



ТАФАККУР ДАРВОЗАЛАРИ



Бошланиши 1-саҳифада.

Балки осмонупар кириш қисми куч-қудрат, галаба, бағрикенглик, эҳтиром маъноларини ҳам ўзда мужассам қилган. Бобилнинг Иштар дарвозаси, Наполеон буйруғи билан қурилган Зафар дарвозаси, бобурий Акбаршоҳнинг Буланд дарвозаси жаҳонда машҳур. Самарқанд, Бухоро, Қўқон шаҳарларидаги кўҳна дарвозаларга бир назар солинг! Биргина Тошкентнинг 12 та дарвозаси бўлганини эслайлик.

Бугун пойтахтимиз халқимизга ва оламга янги қопқаларни – тафаккур дар-

возаларини очмоқда. Бу Ўзбекистондаги Исломи цивилизацияси марказининг тўртта дарвозаси. Марказнинг тўртта дарвозасидан бири Улуғбек шарафига номлангани бежиз эмас. Зеро, исми жисмига мос улуг аллома Темурийлар Ренессансининг энг ёрқин намоянаси, давлатдорлик ва илмдорликни баробар ушлаган, маърифатли жамият барпо этиб, Мовароуннахрни қирқ йил тинч сақлаган феномен.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев очилиш маросимидаги нутқда ҳам бу борада алоҳида тўхталиб ўтди: “Биз юртимизда ривожланган давлат, эркин жа-

мият пойдеворини бунёд этиш учун энг аввало, илм ва илм, таълим ва яна бир бор таълим, деган олий мақсадни ҳаётимизга жорий этмоқдамиз. Зеро, муқаддас динимиз ҳам бизни доимо илму маърифатга даъват этади. Шу боис, Исломи цивилизацияси марказининг Улуғбек дарвозаси пештоқига Қуръони Каримнинг “Икра!” – яъни, “Ўқи!” деган муборак оятини муҳрлаб қўйдик. Бу илоҳий сўзлар замирида ислом динининг асл маъно-маъниси мужассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз”.

Албатта, буюк Амир Темур бобомиз Иккинчи Ренессанс учун пойдевор қўйиб, зарур шарт-шароитларни муҳайё қилмаганда эди, башариат Мирзо Улуғбек “Зиҳ”и, Алишер Навоий “Хамса”си, Камолитдин Беҳзод суратларидан балки ҳеч қачон баҳраманд бўла олмади. Улуғ ғояларни амалга ошириш учун мустақкам давлатчилик лозим. Марказ билан яқиндан танишиб, беҳтиёр яна Президентимизнинг сўзларини эслагимиз, эзгу ният ўлароқ таъкидлагимиз келди: “Ўз даврида Мир Алишер Навоий бобомиз Мирзо Улуғбекнинг ўлмас мероси дунё турғунча турсин, деб тилак билдирган эди. Бизнинг ҳам орзу-мақсадимиз шундай: Исломи цивилизацияси маркази эл-юртимизга, жаҳон аҳлига ҳамisha беминнат хизмат қилсин!”

Ташриф якунида мазмунли экскурсия ва маълумотлар учун мажмуа раҳбарияти ҳамда ходимларига Жамғарма номидан миннатдорлик билдирилди.

Ўз мухбиримиз.



ЧЎҚҚИЛАР САРИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Бу эса юксалиш йўлларидан эътирофга эришган муваффақиятларга замин яратяпти. Хусусан, 2019 йилдан бошлаб ҳар бир худуднинг марказий шаҳарларида ташкил этилган Президент мактаблари мамлакатимиз таълим тизимининг ўзига хос брендига айланди. Иқтидорли болалар учун махсус мактаблар дунёнинг бошқа ривожланган давлатларида ҳам бўлса-да, уларнинг айнан “Президент мактаби” номи остида фаолият олиб бориши Ўзбекистон таърифи бўлди.

Ана шундай нуфузли масканлардан бири Навоий шаҳрида бунёд этилган бўлиб, айни пайтда бу ерда 168 нафар ўқувчи халқаро стандартлар асосида таълим олмақда. 28 нафар маҳаллий ва 9 нафар хорижий педагогларнинг саъй-ҳаракатлари билан битирувчилар дунёнинг ТОП университетлари талабаси шарафига эришдилар. Улар Англия, Австралия, Америка ва Осиё давлатларининг эътиборли олий ўқув юртиларида ўқишни давом эттираётгани ота-оналари қатори устозларини ҳам қувонтиради.

– Мактабимиз янгича баҳолаш тизимига ўтган мактаблар сирасига қиради. Бундан ташқари, айнан Президент мактаби бошқа умумтаълим мактабларига ҳам ушбу баҳолаш тизимини тарғиб қилиш учун локомотив илм маскани ҳисобланади, – дейди мактаб директори Жўрабек Аслонов. – Ўқувчиларимиз халқаро фан олимпиадаларига чиқяпти. Математика фанидан Бектош Рўзиқулов, биологиядан Машхура Қудратова эришган қатор ютуқларни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Мана, яқинда 11-синф ўқувчиси Жасминабону Эркинова тиббиёт ва соғлиқни сақлаш фанлари бўйича Яқин Шарқ ва Шимолий Африка худудидан биринчи ўринда турадиган нуфузли университет – “American University of Beirut Mediterraneo Campus”га “Bachelor of Science in Psychology” йўналишидаги халқаро даражадаги грант асосида ўқишга кирди. Бу – грант тўғрисидаги Жасминабону тўрт йил ўқиши учун унга 98 минг доллар маблағ ажратилди, демакдир.

Бир келса, кўша келади, дегандек, юқорида номини тилга олганим – 11-синф ўқувчиси Машхура Қудратова 8 март байрами арафасида таълим йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлди. Албатта, ўқувчиларимизнинг бундай муваффақиятлари бизни қувонтиради.

Директор фахрланганича бор. 2025 йилнинг ўзида Бектош Рўзиқулов WMI (World Mathematics Invition) олимпиадасида кумуш, АҚШнинг Нью-Йорк штатидаги Халқаро “Copernicus Mathematical Olympiad 2025”да олтин медални кўлга киритган бўлса, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Машхура Қудратова онлайн тарзда ўтказилган “Neoscience” АҚШ олимпиадасида биология йўналиши бўйича олтин, 20 та давлат иқтидорли ёшлари орасида Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган Очiq Халқаро Биология Олимпиадасининг бронза медалларига эга бўлди. Шунингдек, 2026 йилнинг бошида мактаб ҳам аккредитациядан ўтиб, CIS – Халқаро мактаблар кенгаши аъзолигига кирди.

– Мактаб халқаро даражада тан олинди, – дейди Ж.Аслонов. – Мана шунинг ўзи ҳам бизга катта имкониятларни беради. Энди ўқувчиларимиз жаҳоннинг энг нуфузли университетлари грантларини кўлга киритишлари янада осонлашади.

Албатта, Президент мактабларига ўқишга киришнинг ўзига яраша талаблари бор. Чунки 24 ўрин учун қарийб икки минг ўқувчи ҳужжат топширади. Имтиҳонлар ҳам икки босқичда ўтказилади. Аниқ фан, яъни математика фанидан юқори балл тўплаган болалар Кембриж таълим тизими талабларига кўра, фикр доирасининг кенглиги ва инглиз тили бўйича имтиҳон қилинади. Бундан ташқари, бола ўқишга қабул қилинган, мактабнинг ўзида истиқомат қилган ҳолда таълим олади.

Бунда у уй ишларига ёки бошқа машғулотларга чалғимай, фикру зикри илм олишдан иборат бўлади.

Навоий шаҳридаги Президент мактабида мавжуд ўқув куни академик тўғрақлар фаолияти билан давом этади. Ҳар бир ўқувчида креативлиқни шакллантириш учун унинг қизиқишлари ўрганилиб, ўзига мос тўғрақларга жалб этилади. Масалан, бугунги куннинг энг эҳтиёж катта соҳалари – робототехника ва сунъий интеллект, шунингдек, сузиш, санъат ёки нутқ маданиятини ривожлантиришга қаратилган тўғрақлар ишлаб турибди. Асосий эътибор эса энг замонавий таълим жараёнида ҳар бир ўқувчи онгида ватанпарварлик ғоясини сақлаб қоллишга қаратилган.

Халқаро тоифадаги хорижий педагог кадрларни ишга олиш тартиби ҳам изчил йўлга қўйилган. Аввало, эътиборли халқаро сайтларга мавжуд бўш ўринлар тўғрисида маълумотлар жойлаштирилади. Сўнгра шу иш ўрни учун мактаб тизимининг талаб ва иш тартиби юкланади. Юборилган ҳужжатлар ўрганилиб, тест имтиҳони ва суҳбат ўтказилади. Танлаб олинган хорижий устоз Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги томонидан тасдиқланади. Навоийлик Президент мактаби ўқувчилари ҳозирда Янги Зеландия, Филиппин, Жанубий Африка, Кения ва Руминиядан келган тажрибали ўқитувчилардан таълим олишмоқда.

Ҳа, Президент мактаблари таълим тизимига кириш нафақат ўқувчи, балки ўқитувчиларнинг ҳам орзусига айланди бугун. Бир сўз билан айтганда, келажақ етакчиларини тарбияловчи энг нуфузли таълим муассасалари саналади бу мактаблар. Албатта, 20-30 нафар хоҳловчилар орасидан танланганлардан бўлиш осон эмас-да.

Мактаб педагоглар жамоаси ўқувчилари зеҳниятида нанки фанлар, балки жамоа билан ишлаш, тадқиқот ўтказиш ва мустақил фикрлаш каби кўникмаларни ҳам ривожлантирмоқда. Бу ерда таълим олаётганлар стартап, IT ва илмий тадқиқот лойиҳалари билан кундан кунга фаоллашиб борапти. Шунингдек, ташаббус ва ғоялари, фаол ҳаракатлари ва изланишлари билан мамлакатимиз таълим тизимига юқори ўринларни эгалламоқда. Мактабнинг иқтидорли ўқувчиларидан бири Машхура Қудратова билан суҳбатлашиб, бунга яна бир бор амин бўлдим.

– Ота-онам оддий одамлар. Отам тез тиббий хизматда ҳайдовчи, онам уй бекаси, – дейди Машхура. – Оилада тўрт фарзандимиз. Акам магистратура бизнес бошқаруви йўналишида Лондондаги South Bank University (LSBU)да тугаллади. Икки олам ҳам олий ўқув юртиларида таҳсил олади. Мен акамга ҳавасланиб, халқаро олимпиадалар совриндори бўлишга кўпроқ қизиқардим. Иккинчи синфдалигимда отам телевидорда Зулфия мукофоти билан тақдирланганлар ҳақидаги кўрсатувни кўриб ўтириб, онамга “Менинг қизим ҳам бир кун келиб шу мукофотни олади”, деганларини эшитиб қолдим. Ичимда бир истак уйғонган, лекин катта орзум халқаро олимпиадаларда ўрин эгаллаш эди. Президент мактабида йўналишим бўйича устозим Зебо опа Рўзиқулова мен билан индивидуал шуғулланди. Ҳар икки орзумга эришдим. Зулфия мукофоти тақдирлаш маросимида Президентимизга олдимга қўйган мақсадим – Авиценна Халқаро Биология, Очiq Халқаро Биология ҳамда нуфузли 37-Халқаро Биология Олимпиадаларида олтин медални кўлга киритиш эканини айтдим. Давлатимиз раҳбарининг: “Кўрпачисизларми, Машхура қизим менга урта олтин медални ваъда қилдинг”, деганлари менга янги куч-қувват берди. Мана шу ваъдамни бажариш учун астойдил ҳаракатдаман.

Биз сенга ва бахти кулган тенгдошларингга ишонамиз, Машхура!

Мухайё РУСТАМОВА

“СЕНДАН ВАТАН ДЕГАН БОҒ ҚОЛСИН, ЭЙ ДЎСТ”

Бошланиши 1-саҳифада.

Олимлар Ер сайёрасида саҳролашнинг асосий сабаблари сифатида аҳоли сонининг кўпайиб бораётгани, ўрмон ва дарахтзорлар кесилаётгани, унумдор ерлар яйлов сифатида ҳаддан зиёд кўп фойдаланилаётгани, тупроқ эрозияси ва иқлим ўзгаришини тилга олади. Бунинг энг самарали ечимларидан бири – кўчат экиш. Қолаверса, анъанавий энергиядан фойдаланишни камайтириш, аксинча, қайта тикланадиган, муқобил энергия манбаларини кенг жорий этиш. Ўзбекистонда ҳар иккиси ҳам самарали тарзда амалга ошириляпти. Чунки глобал иқлим иссиши инсон саломатлиги, экосистема барқарорлиги ва иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун, давлатлар ва ташкилотлар иқлим ўзгаришини камайтириш ва унинг салбий таъсирларига қарши курашиш мақсадида янги лойиҳаларни амалга оширмоқда. Ўзбекистонда ҳам Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси шулар жумласидандир.

“Яшил макон” лойиҳаси, ўз навбатида, мамлакатда яшиллик даражасини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни асраш ва одамларнинг саломатлигини яхшилашга қаратилган. Лойиҳа доирасида ҳар йили 200 миллион туп кўчат экилаётган бўлса, 2 минг гектардан зиёд майдонда 942 та яшил боғ ва парклар, 47 та массивда “Янги Ўзбекистон” боғлари барпо этилди. Республикаимизнинг тоғ, чўл ва адир худудларида 256 минг гектар ўрмон ташкил қилинди. Оролнинг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда яшил қопламали ҳимоя ўрмонзорлари яратилди. Шамол ва қум-чанг бўронларининг зарарли таъсирини олдини олиш мақсадида 33 та туманда 60 километрли “яшил белбоғ” ҳосил қилинди. Бу тадбирлар нафақат экологик муаммоларни ҳал қилиш, балки жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ҳам хизмат қилмоқда.

Мақсуд тадбирларнинг хайрли томони кўп, албатта. Кўчат экиш ва яшил худудларни кенгайтириш орқали атмосферадаги углерод диоксидини камайтириш мумкин. Дарахтлар углеродни сўрган ҳолда ҳаво сифатидаги ижобий таъсир кўрсатишини яши биламиз. Ҳавони тозалаш, углерод диоксиди сўрилишини таъминлаш ва биологик хилма-хилликни сақлашга ёрдам беради. Яшил худудлар аҳоли саломатлигини яхшилади. Дарахтлар ва яшил майдонлар стрессни камайтиради, психик саломатликка ижобий таъсир кўрсатади ва жамоат жойларининг эстетик кўринишини яхшилади.

Президентимизнинг тадбирдаги нутқда ёдга олинган ҳар бир худудда “Яшил” техникумларнинг ташкил этилиши дуал таълим асосида ҳар йили экология соҳасида 10 минг нафардан мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади. Ушбу техникумларда олинган билимлар талабаларга экология ва агрономия соҳасидаги замонавий методларни ўрганиш имконини беради.

Ботаника ва дендрология боғлари ушбу техникум ўқувчилари учун амалиёт базаси бўлиб, илмий тадқиқотларни олиб бориш учун ҳам муҳим майдон ҳисобланади.

Лойиҳа доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тақлифлари аҳолини янада фаол иштирок этишга ундамоқ-

да. Яшил боғлар яратиш, жамоат парклари ташкил этиш ва экологик таълим бериш борасидаги янги ташаббуслар мамлакатимизда яшил иқтисодий ривожлантиришга, аҳолининг саломатлигини яхшилашга ва экологик маданиятни оширишга хизмат қилади. Энди “Менинг боғим” дастури доирасида ҳар бир лойиҳа учун ажратилган бюджет маблағи 250 миллион сўмдан 400 миллион сўмга оширилди. Бу, ўз навбатида, аҳолининг яшил боғлар яратиш бўйича фаоллигини янада оширишга хизмат қилади. Аҳоли ўзлари танлаган ерларда, яшаш худудларига яқин ва сув таъминоти мавжуд жойларда 1 гектарга ер ажратилиши, жамоатчиликнинг лойиҳаларда иштирокини таъминлайди.

Қолаверса, бу йилги мавсумдан бошлаб, Қонунчилик палатасининг ҳар бир депутатида ўз округида яшил худуд ва боғ яратиши учун 412 миллион сўмдан маблағ берилади. Бу чора-тадбирлар депутатларнинг ўз жамоалари билан яқиндан ишлашини ва экологик инқилобни амалга оширишда фаол иштирок этишини таъминлайди.



Президентимиз халқимиздаги “Яхшидан боғ қолади”, “Бир кўчат – минг барака”, “Фарзанд кўрсанг, тўй қилсанг, дарахт эди” каби ҳикматли сўзларнинг аҳамиятини таъкидлади. Бу қадриятлар экосистемани муҳофаза қилиш, яшилликни кўпайтириш ва жамиятда экологик маданиятни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Маҳалла раислари, отахон ва онахонлар, хотин-қизлар вакиллари ҳамда барча фаоллар жойларда миллий урф-одатлар, анъана ва қадриятларни кенгроқ тарғиб қилишга чақирилди.

Минг афсуслики, дунёнинг ҳамма давлати ҳам халқини, унинг саломатлиги йўлида экологини асрашга Ўзбекистон Президентичалик эътибор қаратаётгани йўқ. Дунё миқёсида оладам бўлса, охириги 20 йил ичида 4,5 миллиардга яқин одам йирик табиий офатлар кўринишидаги иқлим ўзгариши таъсиридан азият чеқди, 1,2 миллион киши ҳалок бўлди, иқтисодий зарар эса қарийб 3 триллион долларни ташкил этди. Мутахассисларнинг фикрича, Марказий Осиё мамлакатлари ҳам географик жойлашув хусусиятларидан келиб чиқиб, иқлим келтириб чиқарадиган оқибатларга кўпроқ мойил.

Президентнинг дарахт экиш ва яшил маконларни ташкил этиш бўйича ташаббуслари халқимиздаги экологини муҳофаза қилиш, табиат билан уйғун яшаш ва миллий қадриятларни давом эттиришга хизмат қилади. Бу эса жамиятда экологик маданиятни шакллантиришга ёрдам беради. Табиатни муҳофаза қилиш ва яшил иқтисодиётга ўтиш – бу келажақ авлод учун тоза, соғлом ва барқарор муҳит яратишнинг муҳим омилдир.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири



“Сендан фарзандингга боғ қолсин, эй дўст,
Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст.”

Эркин ВОҲИДОВ



ЯНГИ КИТОБЛАР

“ИЗХОРЛАР КВИНТЭССЕНЦИЯСИ”

Адабиёт оламига меҳрингизни яна бир қарра оширадиган навбатдаги тўхта – севимли адиб Хуршид Дўстмухаммаднинг **Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси** томонидан нашрга тайёрланган “Танланган асарлари” дир.



Китобга ёзувчининг кўп йиллик ижодий бисотидан сараланган, эл тилига тушиб, эътироф қозongan бир қатор асарлари – “Бозор”, “Донишманд Сизиф”, “Жойи” романлари, “Чаёнгул ёхуд куйиқилшоқча қотиллик”, “Уч қўшиқ”, “Куза”, “Катта кўча” қиссалари, шунингдек, “Жажман”, “Жим ўтирган одам”, “Қичқир”, “Муҳтарам жаллод жаноблари” сингари ўндан зиёд ҳикоялари киритилган.

Китоб аввалида берилган “Ўзим ҳақимда” номли сўзбошида муаллифнинг шундай сўзлари бор: “Бу ёруғ дунёнинг тенгсиз мўъжизаларидан бири – изхор! Тонг саҳарда кўёшнинг йил этиб чиқишидан то тунги ой ва унинг теғрасида юлдузларнинг жимирлашларига, баҳор айёми дов-дарактларнинг яроқ ёзиши, қорлар эриб, жилғаларда сувнинг шарқираб оқишигача... дунёга келган чақалоқнинг “инга-а-а”си, улғайиш, бола-чақа,

қариндош-уруғ, ошна-оғайни, касб-кор, қувонч ила қайғу, изтироб, армон, афсусу жамики кечинмалар дарёси... хаёлни ҳаётнинг адоқсиз синоатларига чорловчи азон садосига – изхор, изхор, изхор! Изхорларнинг гултожи эса – Ижод! Ижод – изхорлар қаймоғи, квинтэссенцияси!”

Ўйлаймизки, таниқли адибимизнинг энг муҳим изхорлари мағзини ташкил этадиган бу асарлар ўқувчиларга манзур бўлади.

САМАРА

Фавқуллода вазиятлар табиий ва техноген хусусиятга эга ҳолатлар бўлиб, уларга зилзила, селу сув тошқинлари, ёнгинлар, кўчкилар, кучли шамолу бўронлар, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги авариялар ва бошқа турдаги офатлар киради. Улар қутилмаганда юз бергани учун хавфни бартараф этиш тезкор ҳамда пухта тайёргарликни талаб этади. Ушбу материални тайёрлаш учун ҳудудга юборилган журналист ҳам белгиланган манзилга олдиндан огоҳлантирилмасиз етиб бориб, вазиятни бевосита ва холис кузатиш имконига эга бўлди. Ходимлар эса ҳар қандай фавқуллода вазиятга тайёр эканликларини кўрсатиб, барча саволларга белгиланган тартибда аниқ ва тушунарли жавоб берди. Демак, тайёр бўлсангиз, ҳаммасини бир бошидан бошлаймиз...

ТЕМУРБЕК НАВКАРЛАРИ
Хировулнинг янги авлоди

Бундан етти йил аввал Президентимизнинг “Ўсмирларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизimini такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардия таркибида “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейлари ташкил этилган эди. Шулар қаторида Фавқуллода вазиятлар вазирлиги тасарруфидаги Шахрисабз “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи ҳам ёшларни Ватанга садоқат ва мардлик руҳида тарбияловчи махсус таълим муассасаси ҳисобланади.

Бу ерда ўқувчилар ҳарбий соҳа ва қутқарув ишлари бўйича билимларни тизимли эгаллаш билан бирга, математика, физика, информатика ва чет тиллари каби фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганади. Шунингдек, улар саф тайёргарлиги, жисмоний чиниқлиги, фавқуллода вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш каби амалий кўникмаларни ҳам ўзлаштиради. Мазкур тайёргарлик жараёни ўқувчиларни Фавқуллода вазиятлар вазирлиги тизимидаги олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун зарур билим ва кўникмалар билан таъминлаб, уларнинг келгусида малакали мутахассис бўлиб етишишларига замин яратади.

Такомиллаштирилган ўқув дастури, энг яхши педагоглар ва аъло даражадаги моддий-техник базага эга бўлган, Ўзбекистон қутқарув кучларининг янги авлоди шаклландиган мазкур масканда илмга чанқоқ ёшлар соҳа сирларини пухта ўзлаштирмақда.

Ушбу ҳарбий-академик лицей фаолияти билан бизни директор Зафарон Тўраев таништириб борди: “Қабуллимиз 9-синфини тамомлаган ўғил болалар орасидан танлов асосида амалга оширилади. Номзодлар тест синови, жисмоний тайёргарлик ҳамда тиббий кўрик натижалари асосида

сарланади. Ҳар йили ўртача юз нафар ўқувчи оламир.”

Ўқувчилар тўлиқ давлат таъминотида бўлиб, бепул иссиқ овқат, махсус ҳарбий форма ҳамда зарур яшаш шароитлари, ётоқхона билан таъминланади.

Бинонинг кириш қисмида Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳайбатли тасвири кишининг эътиборини дарҳол ўзига тортади. Ҳар қадамда “Темур тузуклари”дан олинган ибратли ҳикматлар ёзилган пешлавлар ўқувчиларни тафаккурга чорлайди. Деворларда эса Темурийлар шажараси акс эттирилган композиция, “Буюк сарқарда Амир Темурнинг юришлари харитаси” ҳамда “Темурийлар даври қаҳрамонлари” номли деворий суратлар уйғун жойлаштирилган бўлиб, улар мактабга шонли тарих ва давлатчилик анъаналари руҳини бағишлаб турибди.

Ҳарбий-ватанпарварликни улғувчи ширлар бу муҳитнинг маънавий-маърифий қувватини янада мустаҳкамлайди. Шунингдек, мактабнинг муҳри ва байроғида ҳам битилган “Куч адолатдадир” шиори бино марказида яққол кўриниб туради. Бу эса муассасанинг асосий ғояси ҳамда тарбиявий аҳамиятини ифодалайди.

Ахборот-ресурс маркази эса ўзининг замонавий жиҳозланиши, бой китоб фонди ва яратилган қулай ўқув муҳити билан эътиборни жалб қилади. Бу ерда билим олиш учун барча шарт-шароитлар юксак стандартлар асосида ташкил этилган бўлиб, у ҳар қандай ўқувчида илмга интилиш ва изланиш руҳини кучайтиради.

Шу ерда китоб мутлоаси билан банд бўлган бир неча ўқувчи билан суҳбатлашдик. Улардан Дилшод Нормуродов, Муҳаммад Зийеуллоев, Шахзодбек Муҳимбоев, Эсонбек Қувондиқов ва Нодирбек Эштемировлар ўқиш жараёни, шарт-шароитлар ҳамда танлаш йўналишлари ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди. Икки йил давомида ўқувчиларнинг кун тартиби қатъий интизом ва аниқ режа асосида, ҳақиқий ҳарбий таълим муассасаларига

хос тизимда ташкил этилади. Бу жараёнда жисмоний тайёргарлик билан бирга уларнинг интеллектуал салоҳияти ҳам узлуксиз ривожлантириб борилади. Юқорида номлари тилга олинган ёшлар ҳам маҳаллий ва халқаро даражадаги ютуқларга эришган. Жумладан, улар орасида IELTS ва TOEFL каби халқаро тил сертификатларини кўлга киритган, математика ва табиий фанлар йўналишида Cambridge International Examinations, STEM олимпиадалари ҳамда IBC каби нуфузли халқаро танловларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаган ўқувчиларнинг борлиги ҳам кишини қувонтиради.

Мазкур мактабда инглиз тили фанидан дарс берувчи ўқитувчи Нозимбек Одиловга фавқуллода вазиятларда фаолият юритадиган ёшлар учун чет тилининг аҳамияти ҳақидаги савол билан муножот қилганимизда у:

– Замон жадал ривожланмоқда, ҳар бир янги технология инглиз, хитой, корейс каби чет тилларида яратилаётгани сабабли, уларни тўғри тушуниш ва амалиётда самарали қўллаш учун хорижий тили илмий даражада билиш талаб этилади. Шунингдек, соҳага оид муҳим адабиётлар, халқаро тажриба ва сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш учун ҳар бир ўқувчи жаҳон тилларини мукамал даражада эгаллаши шарт, – деб жавоб берди.


Маҳаллий миқёсда ўқувчилар Президент мактаби ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўртасидаги фан олимпиадалари, “Билимлар беллашуви”, “Иқтидорли ёшлар” танловлари, Республика фан олимпиадалари, “Заковат” интеллектуал мусобақалари ҳамда “Ёш қутқарувчи” каби амалий йўналишдаги мусобақаларда ҳам юқори натижаларни қайд этиб келмоқда.

Темур ёсолида олд сафда турувчи пешқадам кўшин “хировул” деб аталган. Ушбу таълим маскани мамлакатнинг келажакни белгилловчи илгор ёшларни етук шахсларга айлантирмақда.

Шаҳриёр ШАВКАТ

“ШЕЪРИЯТИМИЗ КАРВОНИДА...”

Шоир ва таржимон, публицист Минҳожиддин Мирзо номи адабиёт ихлосмандларига яхши таниш. Адибнинг **Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси** ҳомийлигида чоп этилган “Танланган асарлар” тўпламига турли йилларда ёзилган сара шеър ва достонлари, таржималари, сафарномалари, илмий ва бадий публицистик мақолалари жамланган. Шунингдек, аввал эълон қилинмаган янги асарлари ҳам илк марта китобхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.



Китобга Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов томонидан ёзилган “Шеърятимизнинг яна бир Мирзоси” номли мақола сўзбоши ўрнида берилган: “Минҳожиддин Мирзо шеърларида она юрт, ўчмас иймон каби муқаддас тушунчалар гоёт юксак даражада шарафланади. Қадим Андижонда, Бобур ва Чўлпондек зотларни етиштирган заминда туғилиб ўсган шоиримиз хоҳ тарихий, хоҳ замонавий мавзуда ёзмасин, унинг нуқтаи назари кўзга яққол ташланиб туради. Минҳожиддин Мирзонинг меҳнат фаолияти ҳам маънавий

жабҳаларимиз билан боғлиқ кетган. Сиз ушбу китобда турли мавзуларда ёзилган пишқиқ-пухта шеърий сатрларни ўқийсиз. Шеърятимиз карвонида Минҳожиддин Мирзодек шоирнинг ўз ўрни ва овози борлигига амин бўласиз”. Атоқли шоиримизнинг ушбу тавсиялари ўқувчиларни мазкур китобни топиб ўқишга даъват этади, деб ишонамиз.

Нигина ИСКАНДАРОВА

СИЙРАТ

Яхши одам билан қачон танишганинг эсингдан чиқиб кетади, гўё у билан азал-азалдан дўст мақомидасан. Қизиғи, бу ҳақда ўйлашнинг зарурати ҳам туғилмайди. Шундай инсонлар омади борларгагина дуч келади... Абдурашул Жумақул кўнгли тоза, дўстларига меҳрибон, зарур бўлса, ёрдамга биринчилардан бўлиб етиб келгучи яхши инсонлардан бири. У Ўзбекистон Ёзувчилар ҳамда Журналистлар уюшмалари аъзоси.

Инсон боласи дунёга ўқиш, билим олиш учун, яъни оламини ўрганишда шарофли вазифа билан келади, пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг Ҳиро фориди эшитган биринчи сўзлари ҳам: “Иқро!” – “Ўқи!” бўлган экан. Бу ҳикмат ҳаммаша дил-дилимида сақланади.

Мамлакатимизда таниқли журналист, моҳир публицист, ўзига хос шоир, нозик кузатувлар олиб бориш истеъдодига эга бўлган ёзувчи Абдурашул Жумақул асли сурхондарёлик, Термиз туманида туғилган, юқоридаги улғу ҳикматни унутмаган ҳолда мактабдаёқ ўзининг тиришқоқ, серғайрат эканини кўрсатди. Тинмади, баҳолари аъло эди. Ўқишнинг кетидан қувди, изланди, ўрганди. 1990 йили Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетини битирди. Билим олиш иштиёқи кучлилигидан, шунга эҳтиёж сезганидан у 2007 йилда Термиз Давлат университети иқтисодий-менежменти факультетига ўқишга кириб, бу ўқув даргоҳини ҳам муваффақиятли тамомлади.

Хизмат пиллапоялари ҳам ранг-баранг. Абдурашул Жумақул меҳнат фаолиятини



“Сурхон тонги” газетасида муҳбирликдан бошлади, бу унга жуда кўл келди. Вилоят туманларини кезиб чиқди, жаҳон маданиятининг ўчоқларидан бири бўлган жонажон Сурхон воҳаси тарихини ўрганди. Ахир, Сурхон заминининг ўтмиши нечача минг йилликларга бориб тақалади. Эҳ-ҳе, бу тарихнинг чеки йўк...

Серғайрат одам доим ҳаракатда бўлади. Абдурашул ҳам шундоқ. Шуни айтиш керакки, у қаерда ишласа ҳам

ўзининг меҳнатсеварлигини, ўз касбига содиқлигини намоён қилди. Албатта, бундай фидойи инсонларга тақдирнинг ўз сийловлари бўлади. Абдурашул Жумақул ҳам Президентимиз Фармонига кўра “Шухрат” медали ва “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланди.

2019 йилдан нуфузли “Hurriyat” газетаси бош муҳаррири сифатида фаолият юритаётган экан, айтиш керакки, Абдурашул ижодни ҳам асло ўқитмади. “Осмон бешиги”, “Ишқ боғи” шеърлар тўплами, “Юракка сиғмаган гаплар”, “Йиллар ва йўллар” ва бошқа яна бир неча китоблар эълон қилди. Улар орасида публицистик мақолалар, суҳбат ва адабий ўйлар, воқеий ҳикоялар ва эсселардан иборат “Кундузги чирок” номли салмоқли китоби алоҳида ажралиб туради.

Абдурашул Жумақул публицистикага куч берди, чунки у ҳозиржавоб жанр, қолаверса, шакл танлаб ўтирмайди, ҳозир қайнаб турган, ёзувчи ором бермаётган муаммолар тезликда қозғога тўқиламан, деб туради.

Адибимиз ўз мақолаларида янги давр қадамларини қаламга олди, ёруғ тонлар орзуси билан яшаётган замондошларимизни мадҳ этди, юртимизнинг эртаси ҳақида ёрқин хаёллarga берилди.

Унинг сафарномалари ҳам гоёт қизиқли билан ўқилади. “Туташ томирлар диёрига сафар” эссеси бунга ёрқин мисолдир. Муаллиф асарни ёзишда кўп китобларни varaқлаган, ҳинд олимлари билан бўлган қизгин суҳбатлардан терган янгиликларни таърифлаб ху-

лосалар чиқаради. Ўқувчи фақатгина Бобур экспедицияси ҳақидаги маълумотларга эга бўлмайди, балки шу баҳона, ота-боболари шахрисабзлик ўзбеклар бўлган улғу аждодларимиз Амир Хусрав Деҳлавий, Мирзо Абдулқодир Бедил, отаси самарқандлик, онаси бухоролик бўлган оташнафас шоир Мирзо Абдуллоҳон Ғолиб (унинг “Шайдо” номли ўзбек тилидаги илк тўплами 1965 йилда Тошкентда босилиб чиққани М.А.)лар ҳаёти ва ижоди ҳақида теран маълумотлар олади. Муаллиф Деҳлонинг қоқ марказида жойлашган Ҳумоюн Мирзонинг гўзал мақбараси ва Аграда бобурий Шох Жаҳон барпо этган “мармарий дoston” – Тожмаҳал мўъжизалари ҳақида меҳр билан ёзади.

Умуман, Абдурашул Жумақул тарихий сиймолар ва асарлар ҳақида қалам тебратишни яхши кўради. Унинг “Бибиҳоним” мақоласи ҳам жуда яхши ёзилган. “Граф Монте-Кристо тарихий шахсми?” номли мақоласи эса машҳур тарихий асарни ўқувчи янада яқинлаштиришда холисона хизмат қилади.

Адибнинг воқеий ҳикоялари ҳам эътиборга сазовор. У атроф ҳаётга боқиб, ажралиб турадиган қиёфаларни топа олади. Менга маъқул бўлган асарлардан бири “Истара” эссесидир. Сиз “истара” деганда, албатта чехра, юз кўриниши ёқимли, хушрўй, жозибали, юлдузи иссиқ маъноларини ўйлаб кетасиз, унинг юлдуз маъноси ҳам бор. Йўқ, бу адибимиз туғилган она қишлоқ Истара ҳақида, унда ўтган мўътабар инсонлар, захматкаш кишилар, турфа воқеалар тўғрисида

фарзандлик меҳри билан самимий ёзилган изхори дилдир.

Юқорида Абдурашул Жумақулни шоир дедим. Ҳа, у шоир ҳам. Унда шоирона нигоҳ борлигини кўйидаги шеърларида кўриш мумкин. Шоирнинг “Қиска кўшиқлар” деган япон хоккулари усулида ёзилган шеърларидан бири:

Сенга қойил қолдим,
Эй, Майса!
Шундай қаттиқ ерни
тешиб чиқибсан,
қўрқмай яшашдан!

Ёки: Мен сени кечирдим...
Энди бир умр
Кечирмай яшайман
Ўзимни ўзим...

Ёки: Агар кетсанг, девордаги
Суратингни ҳам
Олиб кет, эркам...
Қалбимдаги менга етади..

Шоирнинг ҳамма шеърларида фикр бор, тасвир бор, энг муҳими – дард бор! Бу чинакам шоирда бўлади.

Абдурашул Жумақул олтимиш ёшга кирибди. Олтимиш ёш... Гапнинг очиги, олтимиш ёш бугун ҳали бир неча қовун пишиғи бор ўрта ёшга ўхшаб қолди. Олтимиш ёш – қайнаб ижод қилиш палласи, илҳом дарёсининг тўлиб-тўлиб оқадиган йиллари..

Мен Абдурашул Жумақулга ана шундай жўшқин илҳомлар насиб этишини тилайман.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Бошланиши 1-саҳифада.

БИР КИШИ ҲАМДА ШАХСИЙ ИШ РЕЖАСИ ТАЛАБИ. ДЕ-МАК, УНИ БАЖАРИШ ШАРТ.

НОШИРЛАР НИМА ДЕЙДИ? МУАЛЛИФЛАР-ЧИ?

Мавзу юзасидан бир қанча нашриётларда ўтказилган сўровдан куйидагилар ойдинлашди: олий таълим ўқитувчилари томонидан нашр этилаётган дарслик, монография, ўқув ва услубий кўлланимлар буйича аҳвол чиндан ташвишли. Бу босма махсуслотларнинг аксари бошқа муаллифларнинг китобларидан кўчирилган. Мухаррир нигоҳидан ўтмаган. Имло хатолари тузатилмаган. Чикиш маълумотларида кўрсатилган аъён ҳам ёлгон, икки юзта, уч юзта, беш юзта, мингта адад ёзилган бўлишига қарамай, уч донадан эллик донагача чоп этилган. Бундаги воқелик шундай: катта ададда нашр этиш учун талаб қилинадиган маблағни тўлай олмайдиған

лар ёзиш ҳамда нашр этиш ўқитувчининг шахсий иш режаси талаби. Де-мак, уни бажариш шарт.

ВАЗИФА ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

“Бу кўплаб ўқитувчиларни ўйлантираётган масала, – дейди сиёсатшунос олим Фарҳод Каримов. – Чиндан, талабалар баъзи дарсликларни ва рақлаб ҳам кўрмайди. Чунки кўпгина дарсликларда фактологик тахлиллар етарли эмас. Яна бир эътиборли жиҳат, ШИР доирасида иш олиб бораётган ўқитувчи мавзунинг ҳам, жанрининг ҳам ўзи танлайди. Бу эса эҳтиёж бўлмаган илмий адабиётлар сонининг ортиб кетишига олиб келади. Айрим ҳолларда дарсликлар ёзилиб, нашр этилгунга қадар ўқув йили тугайди. Ўқитувчи

режасини бажариш воситаси сифатида пайдо бўлади. Бу эса илм-фаннинг табиий мантиғини ўзгартириб юборди: тадқиқот китоб ёзилишига олиб келмайди, аксинча, китоб талабини бажариш учун ёзилади. Савол туғилади: ривожланган мамлакатларда китоб нашри қатъий экспертиза, университет нашриётлари ва давлат грантлари орқали таъминланар экан, нега бизда бу жараён кўп ҳолда муаллифнинг шахсий имконияти ва нашриёт ихтиёрига ташлаб қўйилган? Илм-фан ривожини учун сифат муҳим эмасми?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ

Илмий нашрларни кузатиб борувчи Retraction Watch маълумотларига кўра, сўнгги йилларда турли сабаблар – плагиат, маълумотларни сохташ тириш ёки методологик хатолар туфайли минглаб илмий мақолалар ва тадқиқотлар илмий муомаладан қайтариб олинган. Бу ҳолат илмий нашрлар сони эмас, балки уларнинг ишончилиги ва илмий қиймати муҳим эканини яна бир бор кўрсатади. Ўзбекистонда ҳам мазкур ҳолатга етарлича эътибор берилмаса, бунинг яна бир салбий оқибати юз кўрсатиши, олий таълим муассасаларида нашр этилаётган дарслик ва кўлланимлар илмий адабиёт сифатида мутлақо ишончсиз манбаларга айланиб қолиши мумкин.

Жаҳондаги нуфузли университетлар фақат бинолари ёки талабалар сони билан эмас, илмий фаолиятининг сифати билан ҳам баҳоланади. Масалан, халқаро рейтингларни тузувчи Times Higher Education ва QS World University Rankings каби ташкилотлар университетларни баҳолашда асосан тадқиқот сифати, илмий нашрлар ва уларга берилган иқтисодлар сонини ҳисобга олади. Демак, фақат ҳисобот учун чоп этилган, илмий муҳитда ўқилмайдиган ёки иқтисод олинмайдиган китоб университетнинг халқаро нуфузини оширмайди.

Бу муаммага фақат алоҳида муаллиф ёки нашриётнинг камчилиги эмас, тизимли масала сифатида қараш лозим. Илмий китоб нашрини режа бажариш воситасига айлантириб қўйиш илм-фан ривожига хизмат қилмайди. Аксинча, илмий муҳитда сифат ва масъулият тамойилларини заифлаштиради.

ОҚИБАТИНИ КИМ ҲАМДА ШАХСИЙ ИШ РЕЖАСИ ТАЛАБИ. ДЕ-МАК, УНИ БАЖАРИШ ШАРТ.

Барчамиз ўйлашимиз керак. Негаки, шундоқ ҳам асар олий таълим муассасаларининг бир-бирлари билан илмий алоқалари ҳаминқадар. Қолаверса, масаланинг бошқа томони ҳам бор: мамлакатдаги олий таълим даргоҳлари сони икки юздан ошди. Бир таълим даргоҳида учта ёки элликта нашр этилган дарслик, монография, кўлланим ё ўқув кўлланими барча таълим даргоҳларининг кутубхоналарига етиб бормайди. Натижада, бир мавзуда илмий тадқиқот олиб бораётганлар бир-биридан беҳабар ҳолда иш тутаяди.

Илм-фан тарихи шуни кўрсатадики, тадқиқотчилар ўртасида ахборот алмашинуви етарли бўлмаган жойда илмий тараққиёт ҳам секинлашади. Шу сабабли, ривожланган мамлакатларда илмий натижаларни бир жойда жамлаш ва барча тадқиқотчиларга очик қилиш учун махсус миллий ва халқаро платформалар яратилган. Масалан, Европа Иттифоқида OpenAIRE платформаси орқали университетлар ва илмий марказларда яратилган тадқиқотлар, монографиялар ва мақолалар ягона электрон муҳитга жойлаштирилади. Oreanae.eu интернет манбаси маълумотига кўра, бу тизим Европа мамлакатлари бўйлаб минглаб университетлар ва тадқиқот марказларини бирлаштириб, тадқиқот натижаларининг эркин алмашинувини таъминлайди.

Японияда илмий нашрларни умуммиллий электрон репозиторийлар орқали тарқатиш амалиёти йўлга қўйилган. Репозиторий – бу илмий мақолалар, монографиялар, диссертациялар, дарсликлар ва бошқа академик материалларни йиғиш, сақлаш, тизимлаштириш ва кенг жамоатчиликка тақдим этишга мўлжалланган рақамли платформа ҳисобланади. Масалан, JAIRO Cloud платформаси орқали университетлар ўз илмий нашрларини ягона тизимга жойлаштириб, уларни мамлакат бўйлаб тадқиқотчилар учун очик қилади. Бу эса бир университетда яратилган тадқиқот натижаларидан бошқа университет олимлари ҳам эркин фойдаланишига имкон беради.

Dash.harvard.edu тақдим этган маълумотларга қарағанда бўлса, АҚШда ҳам шунга ўхшаш тизимлар фаол ишлайди.

МУАММАГА ЕЧИМ БОР

Мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларида шундай ҳолат кузатилаётган, деган фикр тўғри эмас. Айрим университетларда дарслик ва ўқув кўлланимларини нашр этиш буйича аниқ тартиб жорий қилинган. Уларда китоблар университет ҳисобидан нашр этилади, ҳатто муаллифлар рағбатлантирилади. Аммо бундай таълим муассасалари бармоқ билан санарли.



Абдулхамид МУХТОПОВ,
Ўзбекистон Журналист
уюшмаси аъзоси

Ахборот технологиялари жадал ривожланиётган даврда илмий ва таълим ресурсларини рақамлаштириш ҳамда уларни марказлаштирилган ҳолда сақлаш ушбу муаммага ечимлардан бири бўлиши мумкин.


Ўзбекистонда илмий ва таълим адабиётларини электрон жамлашга хизмат қиладиган айрим платформалар мавжуд, албатта. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси айнан шу хизматни бажараётган муассасалардан бири. Унинг асосий вазифаси миллий нашр махсуслотларини йиғиш, сақлаш ва фойдаланувчиларга тақдим этишдан иборат. Бироқ уни тўлиқ академик репозиторий дейишга шоянмаган маъқул. Чунки кутубхона асосан нашр қилинган китоб ва журналларни архивлашга йўналтирилган. Илмий репозиторий эса илмий материалларни рақамли муҳитда жамлаш, уларни халқаро стандартлар асосида тавсифлаш ва глобал илмий ахборот тизимлари билан интеграция қилиш вазифаларини ҳам бажаради.

Илмий жамоатчилик томонидан кенг фойдаланиладиган порталлардан яна бири – ZiuoNET таълим портали ҳисобланади. У орқали дарсликлар, ўқув кўлланимлари, методик материаллар ва айрим илмий мақолалар электрон шаклда тақдим этилади. Албатта, ZiuoNET таълим жараёнини ахборот билан таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Аммо у ҳам тўлиқ академик репозиторий талабларига жавоб бермайди. Чунки репозиторийларда ҳар бир материал халқаро стандартлар асосида метаметамаълумотлар билан тавсифланади ва илмий базалар билан интеграция қилинади. Юртимизда adabiyot.edu.uz платформаси ҳам мавжуд. У асосан дарслик ва ўқув кўлланимларини экспертизадан ўтказиш ҳамда уларга нашр этиш учун тавсия бериш жараёнини рақамлаштиришга хизмат қилади. Аммо электрон кутубхона ёки илмий репозиторий функциясини тўлиқ таъминламайди.

Натижада илмий ва таълим адабиётлари турли манбаларда тарқоқ ҳолда сақланмоқда. Айрим материаллар университет сайтларида, бошқалари таълим порталлари ёки илмий журналлар сайтларида жойлашган. Айрим тадқиқотчилар ўз ишларини Google Scholar ёки ResearchGate каби халқаро платформаларга юклашади. Бу эса илмий ахборотнинг марказлашмаган тарзда тарқалишига сабаб бўлиб, керакли адабиётларни топишни қийинлаштиради.

Жаҳон таълим тарқатиш бўлими бошқача ёндашуви кўрсатади. Масалан, Россияда CyberLeninka очик илмий кутубхонаси, Европа мамлакатларида OpenAIRE инфратузилмаси орқали илмий ишлар ягона платформада жамланган. Бундай тизимлар илмий маълумотларнинг очиклиги ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Муаммага фақат танқид нуқтаи назардан эмас, амалий ечимлар орқали ёндашиш муҳим. Аввало, барча университетлар ҳузуридаги нашриётларни ихтисослаштириш, ҳар бир дарслик ҳамда монографияни нашрга қабул қилишдан олдин мустақил мутахассислар нигоҳидан ўтказиш, плагиат текширувини амалга ошириш, муҳаррирлик ва мусахҳиллик ишларини қатъий таъминлаш лозим. Олий таълим муассасаси рейтингидан жиддий ўрин тутадиган дарслик ва монографияларнинг нашр харажатларини олийгоҳ бюджетини ёки махсус илмий грантлар ҳисобидан қоплаш механизминини янада кенгроқ жорий этиш керак. Бу жараёнда илмий ахборот алмашинувини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.



муаллиф нашриётдан ёрдам сўрайди. Нашриёт ҳам бегараз “ёрдам қилади”. Яъни, чикиш маълумотларига 200, 300, ҳатто “мендан нима кетди”, деб 1000 донна адабият ёзиб бераверади. Муаллиф бўлса, бир донасини мажбурий нусхага, бир донасини Миллий кутубхонага, уч-тўрт донасини ўзи хизмат қилаётган олийгоҳ кутубхонасига топширади. Вассалом.

Таъқидланганидек, бундай нашрларнинг на имло хатоси ўқилган, на тузуқроқ тахрир қилинган. Негаки, бу хизматлар пул туради. Мусахҳил ҳам, муҳаррир ҳам текинга ишламайди. Аксар муаллифлар эса “ўзи беш донага зўрға пул топяпман. Илтимо, ўзим ўқиганман, энди бу хизматим қилиб, тўловини кўпайтирмамлар”, деб тўри олади. Шунинг учун нашр этилаётган асар дарслик ва монографиялар шунчаки офис принтерларида чоп этилган китобларга айлиб қолган. Биз суҳбатлашган ноширлар китоблардан туғилаётган, фақат номлари ва дастлабки саҳифаларини ўзгартирган ҳолда қайта нашр этилиб, янги китоб сифатида тақдим этилаётган босма махсуслотлар ҳақида, орқа-олдига қарамай бир-бирларидан кўчирилаётган “илмий иш”лар, “монография”лар, услубий ва ўқув “кўлланим”лар ҳамда “дарслик”лар ҳақида “теша тегмаган” анча гапларни айтди. Эшитиб, ҳайратга тушади киши.

Халқаро амалиётни кузатсак, масалан, Европа ва Америка университетларида дарслик ёки монография нашр этиш оддий жараён эмас. Кўплаб университетларда университет нашриётлари – Oxford University Press, Cambridge University Press, Harvard University Press каби тизимлар фаолият юритади. Уларда китоб нашрга қабул қилинишидан олдин камда икки ёки уч мустақил мутахассис томонидан илмий тақриздан, матн плагиат текширувидан ўтказилади. Мухаррир ва мусахҳиллар билан ишланади. Китобнинг илмий қиймати, услуби ва манбаларининг ишончилиги текширилмагунча, чоп этишга рухсат берилмайди. Китоб ҳақиқий илмий натижанинг эътирофи ҳисобланади ҳамда ўқув жараёнида ҳам кенг қўлланади.

Бир томон гапирган жойда ҳақиқат бўлмайди. Шунинг учун муаллифлар, яъни олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг фикри билан ҳам қизиқиб. Аксар ўқитувчиларнинг лўнда жавоби шундай бўлди: “Китоб чиқармасак, “шахсий иш режа” бажарилмайди”. Шахсий иш режаси ҳақида Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 20-2018-сонли буйруғи оловасида аниқ таъриф берилган. Буйруқдан англашладикки, шахсий иш режаси ва унда назарда тутилган услубий ва ўқув кўлланимлар, монографиялар, рисоалар, дарслик-иш

эртарақ ҳаракат қилиб китоб ёзишга киришмоқчи бўлса, келаси йили қайси фанни ўқитишни билмайди. Асосий муаммолардан яна бири, ушбу илмий адабиётларни яратиш учун аниқ бююртма тизими мавжуд эмас. Ҳолбуки, айрим университетларда бундай адабиётлар давлат бююртмаси асосида тайёрланади.

“Жуда унчаликмас, – деди бу суҳбат тафсилотини эшитган ўқитувчи Раҳмат Султонов. – Давлатимиз илмий мақолаларини хорижий журналларда чоп этилган барча олимларни кўлаб-қувватлайди. Олимнинг илмий мақоласи хорижий даврий нашрда пуллик асосда чоп этилса, тўланган маблағ мақола муаллифига олий таълим муассасаси томонидан қайтарилади. Айрим муассасаларда бу жараён мутасаддиларнинг совуққонлиги туфайли йўлга қўйилмаган. Китоблар нашри билан боғлиқ маломатда эса – жон бор. Нашр қилинаётган кўлланимлар, услубий кўлланимлар, монографиялар, дарсликлар ва ҳоказолар фикр-ғиж хатога ботиб кетди. Айрим дарсликларни ўқиб ҳайрон қоласан, қурама каштадан фарқ қилмайди. Шунинг кенгашилар ўтказган, вазирик маъқуллаган, китобини илмий ишларга масъулларимиз варақлаб ҳам кўрмай, кутубхонага қабул қилган”.

Ривожланган мамлакатларда бу масала қандай ҳал этилиши билан қизиқдик. АҚШ, Буюк Британия, Германия университетларида нашр этиладиган дарслик ва монографиялар одатда муаллифнинг шахсий маблағи эмас, университет ёки илмий грантлар ҳисобидан чоп этилади. Кўплаб университетларнинг махсус нашриётлари китобни бир неча босқичли илмий экспертизадан ўтказаяди, мустақил мутахассислар фикри олинади, бу жараён халқаро амалиётда реер review деб аталади. Унга кўра, тақризлар китобнинг илмий даражаси, манбаларининг ишончилиги, услуби ва янги гоёларини баҳолайди. Агар китоб илмий талабларга жавоб бермаса, нашрга қабул қилинмайди.

Япония ва Жанубий Корея университетларида нашр этиладиган дарслик ёки монографиялар университетнинг махсус тахрирати кенгаши томонидан бир неча босқичли текширувдан ўтказилади. Матндаги имло, услуб, манбалар, ҳатто иқтисодларнинг тўғри келтирилгани ҳам алоҳида текширилади. Китоб университет бюджетини ёки давлат илмий дастурлари ҳисобидан чоп этилади ҳамда мамлакатдаги барча университет кутубхоналарига тарқатилади.

Бизда профессор-ўқитувчилардан дарслик ва монографиялар нашр этиш талаб қилинади, аммо бу ишни молиялаштириш механизми кўп ҳолларда мавжуд эмас. Натижада китоб илмий тадқиқот натижаси эмас, шахсий иш



ЯНГИ ЗАМОН ИЛМИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Орадан қарийб икки аср ўтиб, Хоразмда Шарқнинг ийрик илмий маркази – “Дор-ул ҳикма ва маърифат” Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун ва Маъмун ибн Маъмуннинг саъй-ҳаракати ҳамда қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг бевосита раҳнамолигида ташкил қилинган эди. Фаннинг долзарб муаммолари билан шуғулланган илм даргоҳи Марказий Осийда шаклланган қадимий илмий-маърифий анъаналарни давом эттириб, жаҳон илм-фани тараққиётида муносиб ўрин эгаллади.

Иккинчи Шарқ Ренессанси Соҳибқирон Амир Темура ва Буюк Темурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган (XIV–XVI аср) даврга тўғри келади. Уша даврда Мовароуннахр ҳукмдори Муҳаммад Тарагай илк мусулмон академияси – Улугбек мадрасасига асос солади.

“Темура олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз икрому ҳурмати унга изҳор этарди. Уларга нисбатан ўз муруввати бисотини ёрдаки, бу муруввати унинг ҳайбати билан аралаш эди. Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, бу баҳсида инсофу ҳишмат бўларди...”

Ибн АРАБШОҲ

Кўрпачисизми, бизнинг халқимиз нафақат мактаб-мадраса кўрган, балки академия кўрган халқдир.

Агар жадидлик ҳаракати шафқатсизларча бостирилмаганда, янги замон илмини эгаллаган, жаҳон тажрибасини ўрганган фозиллар йўқ қилинмаганда эди, Ўзбекистонда академия мақомидаги муассаса эртароқ очилган бўлар эди. Шунга қарамай, айтиш лозимки, минтақамизда ўз миллий академиясига эга бўлган биринчи давлат бизмиз. Бунда ҳам айнан жадид олимларнинг шоғирдлари меҳнати ва салоҳияти муҳим роль ўйнаган.

Сиз эслатган 1943 йилгача ҳам салмоқли йўл босиб ўтилган. Хусусан, Фанлар академиясини ташкил этиш йўлидаги биринчи муҳим қадам 1932 йилда Республика Фанлар кўмитасининг ташкил этилиши бўлди. 1940 йилга келиб, ушбу кўмита СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиалига айлантирилди. Бу вақтда республикада 19 та илмий-тадқиқот институти, 23 та илмий станция, 11 та музей ва бир қатор бошқа муассасалар фаолият кўрсатар эди. Ниҳоят, 1943 йил 27 сентябрда СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг “СССР Фанлар академиясининг Тошкентдаги Ўзбекистон филиалини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси этиб қайта ташкил этиш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Шу йили 4 ноябрда академиянинг тантанали очилиши бўлиб ўтди.

– Устоз, маълумотларга кўра, бугун барча давлатда ҳам фанлар академияси мавжуд эмас. Боиси – бу қадар катта ва кенг қамровли тузилмани сақлаб туриш учун ҳазиллакам кадр ва маблағ талаб қилинмайди. Шукрки, мамлакатимиз Академияни сақлаб қолиш эмас, ривожлантириш босқичида. Аммо вазият ҳар доим ҳам мана шундай барқарор ва ўсувчан бўлмаган. Умрингизнинг қарийб ярим асри Фанлар академияси билан боғлиқ. Бурунги ва бугунги давр тафовути ҳақида нима дея оласиз?

– Бу бор гап. Яқин тарих юртимизда фанга эътибор сусайиб кетганига гувоҳлик беради. Илм-фанга нисбатан 2000 йилларда бошланган бефарқлик 2016 йилга келиб Фанлар академиясини ёпилиш арафаси-

га келтириб қўйди. Масалан, Романовский номидаги Математика институти 1943 йилда, Фанлар академияси билан баб-баравар ташкил этилган эди. Уни 2012 йилда академия таркибидан чиқариб, Миллий университетга ўтказишди. Ҳар ҳолда институт мақоми сақлаб қолдик. Афсуски, бошқа катта-катта институтлар, масалан, Ядро физикаси, Физика-техника, Электроника институтлари ёпилиб кетди. Ходимлари олий ўқув юртурларига лаборант бўлиб ўтишга мажбур бўлди. Ҳатто, ягона ядро реактори ўчирилиб, Фавкулдада вазиятлар вазирлигига ўтказиб юборилди. Гуманитар институтлар эса олий таълим тизимига бўйсундирилди. Қолгани кимё, биологияга тааллуқли институтлар бўлиб, уларнинг тақдирини номаълум бўлиб турган эди... Энди айтилса, гап кўп. Энг ёмони, илмий мактаблар келажаги хавф остида қолди: нуруний олимлар орамаздан кета бошлади, ўрта ёшлилар турғун ҳолга тушиб қолди, ёшлар илм йўлини четлаб ўта бошлади. Бу аҳволда ташқаридан таъсир бўлмаса ҳам илмий муҳит ичидан емирилиб кетиши мумкин.

Шундай паллада Ўзбекистон илмий доирасида емирилиш эмас, эврилиш юз берди. 2016 йилнинг 30 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашди. Унда қатор долзарб масалалар қаторида илм-фан давлат бюджетига юк эмас, балки иқтисодий тизимнинг барча соҳалари тараққиётида аҳамияти гоят катта экани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари бу борада биринчи гапда Фанлар академияси ва олимларга суянишини, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги бугун ниҳоятда долзарб эканини алоҳида қайд этди.

Академиянинг устунлари академиклар ҳисобланади. Дейлик, мен 1995 йилда академик бўлиб сайланган эдим. Унда энг ёш академик сифатида 42 ёшга эдим. Шундан кейин 22 йил давомида бирор марта сайлов бўлмади. Айтилайки, 50–55 ёшда академик бўлганлар саксон ёшга яқинлашиб қолди, кейинги авлод академиклари тасдиқланмади. 2017 йилдан бошлаб олдинма-кетин Президентимизнинг фармонлари, қарорлари чиқа бошладик, шу асосда Академия тубдан қайта бунёд этилди. Институтлар, лабораториялар ўз жойига қайтарилди. Шу воқеаларга ҳам, мана, ўн йил тўяпти.

Кўплаб ютуқ ва юқори натижаларни қўлга киритганимизга қарамай, Ўзбекистон илм-фани ҳали Президентимиз белгилаб берган маррага эришганича йўқ. Чунки илм дунёси вазилик, совуққонлик, сабр ва узлуксизликни талаб қилади. Ва албатта, эътибор ва шароитин! Муҳими, турғунликдан чиқиб кетдик, олга юришини бошладик.

Кувонарлиси: халқимизда, оилаларда менталитет ўзгарди. Билимга, таълимга эътибор кучайди. Олдин “Эй, ўша дарсингни кейин қиларсан, бориб, қўй боқ, сигирни соғиб кел”, “Китоб ўқиб, шаҳар олиб берармидинг, ундан кўра бозорга чиқ, рўзгорга фойданг тегсин”, дейиларди. Таълим тизими эса ўқув йили бошидан дарсни эмас, пахта теримини ўйларди... Ҳозир-чи? Отаналарнинг ўзи ўғил бўлсин, қиз бўлсин, пул ва вақтини аямай болаларини ўқитяпти. Гоҳ чет тилига, гоҳ ай-тига, гоҳ замонавий касб-хунарга... Бунинг яна бир сабаби: аҳолининг фаровонлик даражаси кўтарилганида.

– Фаолиятингиз давомида фан йўлига адашиб кириб қолган, недири йўллар билан қўлай ўрнларга жойлашиб илмни кашшофлик эмас, ҳашар деб биладиган тоифаларга ҳам дуч келган бўлсангиз керак.

– Оғир муаммони кўтардингиз. Бу оғриқ мени кўпдан бери қийнайди. Айтиб ўтилганидек, илм кишиларига эътибор кучайди, имтиёзлар яратилди. Бу бир томондан ҳақиқий олимларни қўллаб-қувватлаётган, янги кашфиёт ва ихтироларга қанот бераётган бўлса, иккинчи томондан, бу ишончни,

имкониятларни суистеъмол қилишга ҳам олиб келяпти.

Олти йил давомида Олий аттестация комиссияси (ОАК)нинг раиси бўлганман. Бу 1997–2003 йиллардаги гап. Ушунда бир йилда Ўзбекистон бўйича юзтача докторлик ҳимояси бўларди, кўпи билан 600 та фан номзодлиги ҳимояси ўтарди. Кейинги йилларда бу кўрсаткич ўн баробар ошиб кетди. Икки баробар ҳам эмас, ўн баробар! Бу кувонарли ҳолат! Бироқ ОАКнинг президиум аъзоси сифатида кўрдим, кўп ишларда юзакилик, бирёқламлик, плагиат авж олиб кетди. Ҳатто, чет элдан тайёр диссертацияни кўчириб олиб, ҳимоя қилганларни кўрдим. Шунинг учун навбатдаги ислох тўлиқини айнан шу масалага қаратиш керак.

Қизиқ-да, ҳозир раҳбар кадрлар илмий даража погоналаридан зинадан кўтариладиган кўтарилиб кетяпти. Икки йилда фалсафа доктори, яна уч йилдан кейин фан доктори. Қанақасига? Раҳбар одам қачон илм қилади? Унда зиммасидаги ишларни ким бажаради? Ўзим илм йўналишида раҳбарман, менга ҳам вақт етишмайди. Амалдорнинг илми бўлгани яхши, ундай одамлар кўпайсин. Лекин қуруқ гоғоз билан иш битмайди. Энди улардан нима фойда фанга? Икки ўртада Ўзбекистон фаннинг обрўси тушгани қолади. Чунки савиясиз мақолалар кўрсаткичи ҳам, плагиат материаллар ҳам ҳисобга олиб борилади. Шунда ўзбекистонлик “олим”ларнинг “каромат”лари фозилларда акс этиб турса, фанимиз учун шармандагарчилик-ку.

– Муҳтарам Президентимиз ёшларга катта умид боғлаб, олтин авлод деб улуғлапти. Сиз айтган нуқсонларни бартафат эйтиш, табиийки, ёшлар зиммасига ҳам тушади. Сиз Фанлар академияси келажагини қайси устувор йўналишларда кўрасиз?

– Келажақ сўзи ёшлик, ёшлар сўзи билан эгиз. Гарчи орада кўп вақт йўқотган бўлсакда, унинг ўрнини тўлдириш учун иқтидорли йигит-қизларни илмга жалб қилиш, тарбиялаш, қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириладиган ислохотларга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқдамиз.

Фан олимпиадаларини мисол келтирай. Авваллари голибарга “Фахрий ёрлик” бериларди, лекин моддий рағбатлантириш бўлмасди. Жуда кўнгли келиб қолса, ташкилотчилар ўқувчиларга бепул оромгоҳ йўланмаси ёки бирор маиший техника воситасини тўтқазиб юборарди. Булар боланинг меҳнатига, тўккан кўз нурига арзийдими? Лекин бугун бу борада ҳам вазият ўзгарди.

Тарихда биринчи марта “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори имзоланди. Натижада, халқаро олимпиадалар голибарлари ва, алоҳида эътибор қаратишингизни сўрайман, уларнинг ўқувчилари катта миқдордаги бир марталик пул мукофотлари билан тақдирлана бошладик. Мисол учун, Абу Али ибн Сино номидаги итхисослаштирилган мактаб ўқувчиси Далер Раҳимов қарорга мувофиқ қатор олимпиадалардаги ютуқлари учун ўтган йили 1 миллиард 40 миллион сўм билан мукофотланди. Бу тушга ҳам кирмаган миқдор!

Олий таълимга эътибор кучайди. Олдин мактаб битирувчиларининг бор-йўғи 8 фоизда институт-университетларга кириш имконияти бўлган. Чунки режа шунақа эди. Энди давлат олий ўқув юртурларида йўналишлар ва квоталар оширилди, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари очилди, хусусий секторга кенг имкониятлар яратилди. Бу, ўз навбатида, фан учун катта пойдевор. Академик Саримсоқов айтди: “Фан – бу қўл. Кўлни, демек, боқиб турадиган бу дарёлар. Дарёлар келмаса, қўл ботқоққа айланиб қолади”. Ана шу дарёлар олий таълимдир.

Илмда шундай гап бор: илмий жамоада

ҳаммаси ёши катталар бўлса, бу трагедия; агар ҳаммаси ёшлар бўлса, комедия; агар ҳам катталар, ҳам ўрта ёш, ҳам ёшлар бўлса, бу симфония. Бизга шу керак аслида! Ҳозир шунга эришяпмиз. Шунинг учун фанда ҳам катта ютуқларимиз бор.

“Марказ ўзининг мана шундай тарихий миссиясини юксак савияда адо этиши учун мен илм-фан ва маънавият фидойиларига – ҳурматли олим ва тадқиқотчиларга, шоир ва адиблар, диний уламолар, режиссёр ва рассомлар, журналистларга, ижодкор ёшларимизга мурожаат қилмоқчиман:

Ислон цивилизацияси марказида тўпланган ҳар бир экспонат қандай бебаҳо бойлик эканини сизлар ҳаммадан кўра яхши тушунасиз. Уларни тарғиб этиш, халқимизга, дунёга танитишда ҳам, аввало, сизларга таянмиш.

Бу тенгсиз бойлиқдан илҳомланиб, сизлар яратадиган илмий тадқиқотлар, бадиий китоб, кино ва театр асарлари, картина ва кўрсатувлар: уч минг йиллик тарих ва маданиятнинг сўнмас овози бўлиб дунёга таралсин!”

Шавкат МИРЗИЁЕВ
(Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказининг расмий очилиш маросимидаги нутқдан)

Фахр ва кувонч билан тилга олинмаган яна бир воқеа Ўзбекистонда Ислон цивилизацияси марказининг очилиши бўлди. Давлатимиз раҳбари марказ қурилиши билан танишиш жараёнида биз олимларга қарата бу ерни бойитиш борасида асосий меҳнат юки олимларга тушишини таъкидлаган эди. Мана, очилиш маросимида ҳам илм-фан соҳаси вакиллари алоҳида қайд этиб ўтди.

– Математикалар гарчи аниқлиқни хушласа ҳам, тасаввурга эрк бериш мумкин-ку. Агар Сизда ўтмишга қайтиш имкони бўлса, ҳаётингизни ўзгартирган бўлардингиз?

– Шу ҳаётимни қайтарган бўлардим. Ҳеч қандай ўзгаришларсиз. 90-йилларда яхши-яхши ҳамкасбларим ўзини бозорга урди, чет элга чиқиб кетди. Мен соҳамни ўзгартирмадим. Бунинг бошқа томони ҳам бўлиши мумкин. Масалан, математика шундай соҳаки, унга жуда катта лабораториялар, қимматбаҳо ускуналар керак эмас. Фақат мия бўлса бўлди, компьютер бўлса бўлди. Шунинг учун математика нисбатан сақланган-да. Лекин амалиётга яқин физика, биология каби соҳа вакиллари жуда қийналди. Ҳаётда шундай даврлар бўладики, икки кўча бошида таралдууда турасиз. Ана шу танлов кейинги тақдирингизни ҳал қилади. Менда шунақа бўлган.

80-йилларда ёш фан номзоди эдим. Собиқ иттифоқ пайтида АҚШ ўртасида муносабатлар илиқлашиб, 10 ойга кадр алмашиш тажрибаси бўлган. Мени ҳам Калифорния университетига тавсия қилишди. Ёш оиламиз, фарзандимиз бор. Академияга ишга ўтган пайтим эди. Москвага борсам, “Сиз энди академиядан рухсат олиб келинг”, дейишди. Рухсат тегди шекилли, яна Москвага қайтиб келдим. Аэропортга бордим. Регистрацияда турсам, халқаро бўлим бошлиғи кимнингди қидиряпти экан. Мени кўриб қолди-да: “Эй, яхши кетиб қолмабсиз”, деди. “Ҳа, нима?” десам, “Йўқ, раҳбар сизни тушунмабди. Академия орқали юборса розиман. Минвуз орқали боришига рухсат бера олайми, деб айтибди. Шунинг учун билетингизни топширинг, сизга рухсат йўқ”, дейишди. Йўлдан қайтаришди. Қайтиб келиб Фанлар академияси президенти қабулига кирмоқчи бўлдим. Аммо қўйишмади. Кейин домларим: “Академия президенти йўқ деган бўлса, энди фойдаси йўқ”, деб айтишди. Шу тарика қолиб кетдим.

Лекин билмадим, кетганимда нима бўларди. Чунки мендан кейин кетганлар ўша ерда қолиб кетди. Қайтиб келганлари ҳам кўп ўтмай, у ернинг мазасини билиб қолди шекилли, кетиб қолишди. Мана, ҳозир ўша ерда бир коллежда эл қатори дарс бериб юришибди-да. Худо билади, мен ҳам кетиб қолганимда, балки омадим чопса университетда ишлар эдим. Бироқ ҳаётим бошқача бўларди...

– ...ва биз ҳам бугун Ўзбекистон Қаҳрамони олий даражасига эришган, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби фахрий унвони ҳамда I даражали Давлат мукофоти соҳиби Шавкат Аюпов билан суҳбат қўраётган бўлар эдик...

– Шунинг учун ҳам ҳозир афсусланмайман. Мен учун ўша танлов жуда тўғри қарор бўлган, деб ўйлайман.

– Устоз, илм йўлини танлаган ёшларга маслаҳат ва тилақларингизни билмоқчи эдик.

– Биринчидан, ёшлар мактабнинг илк давриданок ўз қобилиятини ўрганиб, шакллантириб, қайси соҳага лаёқати борлигини аниқлаб, шунга қараб касб танлашни маслаҳат бераман. Ҳамма ҳам олим бўлавермайди, тўғрими? Шунинг учун ҳам касб-хунар эгаллаш, хусусан, замонавий касбларнинг мутахассисига айланиш керак. Юртбошимизнинг ҳам талаби шу.

Иккинчидан, ҳозирдан бошлаб имкон борица мактаб берган билимнинг ҳаммасини қабул қилиб олиш керак. “Менга керак бўлмайди”, деб ўйлаган фани вақти келиб тақдирини ўзгартириб юбориши мумкин. Фақат битта фани ўқиб-ўрганиб, одам бўлиш қийин. Лекин, албатта, тил билиш керак. Кўп иқтидорли математик шоғирдларимиз бор, аммо тил билишмайди. Бу эса халқаро майдонга чиқиш, жаҳон илм-фани ютуқларидан баҳраманд бўлишга тўсқинлик қилади. Ўзини кўрсатиш учун ҳам хорижий тил билиш шарт. Масалан, мен асосан инглиз тилида ёзаман. Ҳозирги ёшларда бир камчилик сездим: инглиз тилини билганлари русчада нўноқ. Ваҳоланки, илмий адабиётларнинг кўпи рус тилида.

Шунингдек, олий таълимда ўқимоқчи бўлганлар, албатта, билим учун ўқисин, диплом учун эмас.

Асосийси, қалбакиликдан қочишин. Бугун бир қалбаки иш билан бир нимага эриша, барибир эртага бунинг миси чиқади. Қинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам ошкор бўлади, дейди донишманд халқ.

– Раҳмат, устоз! Вақт ажратиб, қимматли фикрларингиз билан ўртоқлашганингиз учун миннатдоримиз.

– Сизларга ҳам катта раҳмат! Ижод ва газета фаолиятига улкан зафарлар тилайман! Яна икки оғиз гап.

Бугун Фанлар академияси ва бошқа илмий муассасаларда қайноқ жараён кечмоқда. Аммо уларни тарғиб қилиш фақат азборот хизмати ёки илмий нашрларнинг вазифаси эмас. Биз ҳурматли матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ҳамкорликка доим тайёрмиз. Миллий илм-фаннинг ютуқларини одамларга етказиш, долзарб масалаларда олимларнинг нуқтаи назарини тақдим этиш сизу бизнинг шарафли вазифамиз.

Бу борада “Jadid” тахририяти фаолиятдан миннатдоримиз! Академиклар, фан докторлари, хусусан, ёш олимлар, хотин-қизлар билан ўтказаятган суҳбатларини нафақат газетамда, балки ижтимоий тармоқларда ҳам тизимли тарғиб қилаётгани кенг ўқувчилар оммасини миллий контент билан таъминлашга хизмат қилади. Илмий-оммабоп руҳдаги ушбу материаллар ўқувчилари орасидан илм-фанга қизиқувчан ёшлар чиқса, бу бизнинг ютуғимиз.

Суҳбатдош:

Зарнигор ИБРОҲИМОВА

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ОЙГА ПАРВОЗ

NASAning Artemis II ойга парвози доирасидаги “Орион” космик кемаси муваффақиятли учирилди. Унинг экипажи 10 кун давомида Ойни айланиб чиқиб, Ерга қайтиши керак.



Дастурнинг навбатдаги босқичи – Artemis III доирасида 50 йилдан ортиқ танафусдан кейин инсонлар яна Ойга кўниши кутилмоқда.

17 ЙИЛ КУТИЛГАН ТУҒИЛИШ

Жанубий Кореянинг Инҗа-мён туманида сўнгги 17 йил ичида биринчи марта чақалоқ дунёга келди. Бу ҳақда Good News Network хабар берди.

Бола маҳаллий аҳоли ва Камбожадан келган иммигрант аёл оиласида туғилган. Янги меҳмон шарафига марказий кўчага табрик баннери ўрнатилган.

Маҳаллий ҳокимият бу воқеани




сўнгги йилларда аҳолиси кескин камайиб бораётган шаҳар учун “қадрли совға” деб атаган.

КРИТ ОСМОНИ ҚИЗГИШ ТУСДА

Грециянинг Крит ороли осмони Африкадан келган қум бўрони сабаб тўқ сариқ ва қизил тусда

кирди. Бу ҳақда Reuters хабар берди.

Ноқулай об-ҳаво туфайли авиарейслар йўналиши ўзгартирилди: Ираклион халқаро аэропортида кўриш даражаси кескин пасайиб,



камида икки самолёт бошқа аэропортларга қўнишга мажбур бўлган. Кўриш масофаси тахминан 1000

метрга тушгани сабаб айрим рейслар кечиктирилди.

ЭНГ КЎП КАМЕРА ЎРНАТИЛГАН ШАҲАРЛАР

Comparitech дунёнинг ийрик шаҳарларидаги ҳар 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган видеокўзатув камералари сонини эълон қилди.

Биринчи ўринни Ҳиндистоннинг Ҳайдарабод шаҳри эгаллаган – ҳар 1000 кишига 79 та камера. Ундан кейин Индаур (72) ва Бангалор (41) келади. Жами ҳисобда бу шаҳарларда 1,7 миллиондан ортиқ камера ўрнатилган.

Ғарб мамлакатлари ичида энг



кўп қузатиладиган шаҳар Лондон бўлиб, у умумий рейтингда 11-ўринни эгаллайди.

Қайд этиш жоиз, Хитойнинг айрим шаҳарлари бўйича маълумотлар ахборот ёпиқлиги сабабли мавжуд эмас. Шунга қарамай, баҳоланган кўра, мамлакатда ҳар минг аҳолига 494 та камера (ҳар икки кишига биттадан) тўғри келиши тахмин қилинган.



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

1938 йил 5 октябрь куни Тошкентда навбатдаги ҳукм ижро этилди. СССР прокурори Вишинский қарори билан яна бир маҳкум – эндигина 35 ёшни қарши олган Андижон фарзанди Комилжон Алимов қатлгоҳда отиб ташланди. У асли ким эди? Бу саволга жавоб излаш асносида унинг қисқа, бироқ зиддиятларга тўла ҳаёт йўли ва фаолиятига юзланамиз.

Комилжон Алимов 1903 йили Андижон шаҳри Эски Капа маҳалласида, ишчи оиласида туғилди. Бобоси ерсиз дехқон, отаси ишчи ҳам сартарош – рўзгор шунинг ортидан юриб турарди. Бу каби оилаларда болалар болалик кўрмай, кўли ишга келиб қолгани борки, ўзини меҳнатга урар, тирикчилик ғами уларни шу тахлит тез улғайтириб кўярди. Комилжоннинг суяги шундай муҳитда қотди. Қурилиш ишларига қизиқиб, дурадгорликни эгаллашда тоғасининг хизмати катта бўлди. 1916-1917 йилларда у бир пайтнинг ўзида ҳам ишлаб, ҳам ўқирди. Инқилобдан кейинги йилларда жамиятда янги ташкилотлар, янги идоралар пайдо бўлди. Жараёнга кўллаб ёшлар, жумладан, Комилжон Алимов ҳам қўшилди. У совет ва партия органлари ҳамда касаба уюшмаларида фаолият кўрсата бошлади. Андижонда ишчилар уюшмаси раиси, район касаба уюшмаси котиби, ўқувчилар уюшмаси раиси каби лавозимларда ишлади. Уезд революцион комитети аъзоси ва район партия комитети раиси сифатида ҳам фаолият юритди. Айнан шу йиллар унинг сиёсий қарашлари шаклланган давр бўлди.

1917 йилдан кейин Туркистон шаҳарларида сиёсий ҳаёт жадал тус олди. Бу пайтда Муваққат ҳукумат ҳокимият тепасида бўлиб, унинг бош вазир Кириленко номи Туркистонда ҳам кенг танилган эди. Бироқ янги ҳукумат сиёсати жамиятда бир хил қабул қилинмади, натижада Андижонда турли гуруҳлар ўз қарашларини илгари суришга интилан ҳолда фаоллик кўрсата бошлади. Шундай шароитда Комилжон Алимов сиёсий тарбиёт ишларида қатнашгани ҳақида ҳужжатларда маълумотлар учрайди. Айтилишича, Керенский ҳукуматига қарши сиёсий варақатлар тайёрлаб, "Шўро Исломи" номи билан тарқатилган. Уларда муваққат ҳукумат танқид қилиниб, турли ташкилотлар бирлашишга чақирилган. Ҳатто бу мурожаатлар телеграф орқали Москва ва Боку шаҳарларига ҳам юборилгани қайд этилган.

Бундан ташқари, ҳудудда турли ташкилотлар ўртасида сиёсий устулик учун кураш тобора кучайиб бораётган эди. Шу шароитда ишчилардан иборат гуруҳ "Эркин фуқаролар иттифоқи"ни ташкил этди. Уюшма 12 та кенгаши билан бирлаштирилган бўлиб, Комилжон Алимов унинг котиби ва ҳайъат аъзоларидан бири сифатида фаолият юритган. Ҳолат шаҳардаги турли қатламлар ўртасидаги муносабатларни ҳам таранглаштирди. Қайд этилишича, андижонлик машҳур бойлардан Миркомил Мирмуҳаммадов ва Охлифбек Талихбеков ушбу ҳаракатларга қарши чиққан. Шу зайл улар ўртасидаги зиддиятлар тобора чуқурлашиб борган.

Талабалар кенгаши канцеляриясида ўтказилган йиғилишлардан бирида ишчи депутатлари совети иштирокида масала кескин қўйилади. Йиғилиш қатнашчилари Миркомил Мирмуҳаммадов ва Охлифбек Талихбековнинг ҳибсга олиниши ҳақида қарор қабул қилади. Мазкур қарор шаҳарда шаклланаётган янги ҳокимиятнинг эски ижтимоий қатламлар

ТУҲМАТ ТОШНИ ЁРАДИ



билан очик тўқнашувини ифода этар эди. Кейинчалик ушбу қарорга дахлдор шахслар тақдир турлича кечган: Мирмуҳаммадов бошқарувида турмонидан отиб ташланган, Талихбеков эса Қошғарга – Хитой ҳудудига чиқиб кетган. Айни шу пайтда Комилжон Алимов Андижонда ишчи депутатлари совети билан боғлиқ ишларда қатнашган. Шунинг учун бу каби воқеалар унинг дунёқараши ва кейинги йўлига таъсир кўрсатмай қолмаган.

1918 йил 1 июндан Комилжон Алимов большевиклар партияси сафида фаолият юрита бошлади. 1919 йилдан 1920 йилгача ўш революцион комитетига раҳбарлик қилиб, уезд-шаҳар партия комитетининг масъул котиби сифатида ҳам иш юритади. 1921 йил декабрдан Фарғона область партия комитетининг тарбиёт бўлимида иш бошлаган бўлса, кўп ўтмай – 1922 йил 7 январдан бўлим мудири ўринбосари вазифасига тайинланади. 1922 йил баҳорига келиб яна бир қанча лавозимлар зиммасига юкланади: аввал Наманган уезд-шаҳар партия комитетининг масъул котиби, кейин ўш уезд-шаҳар партия комитети бўлим мудири сифатида ишлайди.

1922 йил 3 июнда у Туркистон Компартияси Марказий Комитети ихтиёрига олиниб, захира кадрлар сафига киритилади. Бир ой ўтгач, махсус комиссия қарори билан Туркистон Марказий Ижроия Комитети томонидан Фарғона вилоятига юборилади. Бу ерда қишлоқ ҳужалигини тиклаш ишларида вакил сифатида 1923 йилгача фаолият кўрсатади. 1923 йил 1 апрелдан Сирдарё область партия комитетининг тарбиёт ва ташвиёт бўлими мудири ўринбосари этиб тайинланади. Бир неча ойдан кейин вақтинча бўлим мудири, ташкилий бўлим мудири ва Туркистон Компартиясининг 1-район партия комитети масъул котиби сифатида ишлайди.

Бу даврда у идора ишлари билан чекланиб қолмай, партия томонидан ташкил этилган текширув ва қайта кўриб чиқиш ишларида ҳам иштирок этади. Масалан, ўш уездига партия аъзоларини текшириш комиссиясига раислик қилиб, Андижонда эса шу каби тадбирларда қатнашади. Бу каби ишлар ўша давр сиёсий амалиётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу тариқа, Андижон маҳалласидан чиққан оддий ишчи оиласи фарзанди қисқа вақт ичида Туркистон партия аппаратида маълум таърифага эга кадрга айланади. Бир қарашда унинг фаолияти изчил давом этаётгандек кўринади.

Халқимиз "туҳмат тошни ёради, тошни ёрмаса, бошни ёради", деб бежиз айтмаган. Қутилмаганда вазият бутунлай бошқа томонга бурилиб, кечагина шу тизимда фаолият юритган кўллаб кадрлар ўша тизимнинг ўзи томонидан айбланиб, қатағон домига тортилади. Кўп ҳолда турли кўрсатма ва тергов материаллари "дағил" сифатида баҳоланган. Шу каби манбалар қаторида жадид етакчиларидан Мунаввар қори Абдурашидовнинг 1930 йил 10 ноябрда ҳибсдалигида берган кўрсатмаси ҳам мавжуд бўлиб, унда Комилжон Алимов номи тилга олинади: "Биздан кейин келганлар ўз ўқувчиларини табиий равишда миллатчилик руҳида тарбиялайдилар. Эсон Афанди: "Ҳар бир миллат, агар бу дунёда мавжуд бўлиши истаса, ўз миллий руҳини сақлаб қолиши керак, акс ҳолда у йўқ бўлиб кетади", деган эди. Айни вақтда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўқувчилар орасида миллатчиликнинг кучайиши фақат миллатчи ўқитувчилар фаолияти натижаси эмас. Бунга мисол сифатида Алимов Комилжонни келтириш мумкин. У бизнинг ўқувчимиз эмас эди. 1927 йилда Оқруқ кўмитасидаги лавозимидан бўшатилганида у менга "Воскресенскийлар" (яъни, руслар) унга чидамаганини, аммо у тирик қолганини ва уларнинг кўлида азоб чекканини айтган".

Комилжон Алимов номи яна бир тергов баённомасида – "Тарихи Салимий" асари муаллифи Мирзо Салимийнинг 1930 йил 16 декабрдаги кўрсатмасида ҳам тилга олинади: "1924 йил бошида мен Зиё Саидов томонидан ташкил этилган ГАПГА қўшилдим. Унинг тарихига Комилжон Алимов ҳам кирган. ГАПГА турли суҳбатлар бўлиб ўтар, миллатчилик руҳидаги қўшиқлар кўйланар, европалик ишчилар танқид ва масҳара қилинган. Хусусан, Комилжон Алимов европалик ишчиларга тақдир қилиб, бу соҳада турли комедияларни ижро этган". Бундай кўрсатмалар ўша даврнинг мураккаб сиёсий ва ижтимоий муҳитини ёритувчи ҳужжатлар сифатида аҳамиятга эга.

1930 йиллар ўртасига келиб сиёсий вазият ўзгариб, кенг қўламли текширувлар натижасида кўллаб кадрлар қаторида Комилжон Алимов номи ҳам тергов ҳужжатларида бот-бот учрай бошлади. Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлиги бошқармаси 4-бўлими бошлиғи, давлат хавфсизлиги лейтенанти Огабеков 1937 йил 15 августда Алимовга оид материалларни кўриб

чиққан. Ҳужжатда Комилжон Алимов 1920 йилдан ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти билан боғлиқ таълим жараёнида бўлгани кўрсатилган.

Тергов материалларида у "акселинқилобий миллатчи", "Миллий истиқлол" ташкилоти аъзоси сифатида тилга олинган. Шунингдек, Қорақалпоқ область партия комитетида ишлаган даврида совет аппаратини миллатчи унсурлар билан тўлдиргани ва бу шахслар Қорақалпоғистон халқ ҳужалиғига қарши зарарқонандлик ишларини олиб боргани ҳақида айбловлар баён этилган. Шу асосда Комилжон Алимов Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 67-моддаси билан айбланиб, Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги тасарруфидаги Сиёсий махбуслар уйида қамоқда сақлашга қарор қилинган.

1937 йил кузига келиб унинг иши Москва билан ҳам боғланади. 3 октябрь куни СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлиги органларидан Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиғига Москвада ҳибсга олинган Комилжон Алимов ҳақида расмий хат юборилади. Унда махсус Бутирка турмасига жойлаштирилгани ва ишни кўриб чиқиш учун тегишли материаллар – қамоққа олиш ордери, тинтув баённомаси, анкета ва бошқа ҳужжатлар юборилгани қайд этилган. Шу асосда унга оид алоҳида тергов иши расмийлаштирилиб, тергов материалларида у Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритган деб кўрсатилган "ўнг-троцкийчи миллатчи акселинқилобий ташкилот" билан боғланган шахс сифатида баён этилган. Айблов мазмунига кўра, бу ташкилотнинг мақсади Ўзбекистонни Совет Иттифоқидан ажратиб олиш, мамлакатда буржуа-миллатчилик тузумини ўрнатish ҳамда совет ҳокимиятига қарши кураш олиб боришдан иборат, деб кўрсатилган.

Тергов ҳужжатларида Комилжон Алимов 1923 йилдан эътиборан мазкур ташкилот билан алоқада бўлгани, партия ва совет идораларида ишлаб турган даврида ҳам унинг кўрсатмаларига мувофиқ ҳаракат қилгани қайд этилган. Шу билан бирга, унинг нисбатан аҳоли онлига "русларсиз миллатчилик давлати"ни қуриш ғоясини синдириш, европалик ҳодимларни "мустамлақачилар" сифатида талқин қилиб, уларни обрўсизлантиришга уриниш айби ҳам қўйилган. Бу айбловлар асосида Комилжон Алимовга Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг бир қатор моддалари – ватанга хиёнат, акселинқилобий фаолият ва давлатга қарши ҳаракатларга оид бандлар бўйича жиноий иш қўзғатилган. Тергов ишлари шу тариқа 1937 йилнинг охирига қадар давом эттирилган.

Ана шу даврдан бошлаб Комилжон Алимов тақдир қатағон йилларининг шарафсиз жараёнига кириб борди... Албатта, бундай муҳим тарихий воқеаларни ёш авлод билиши, Ватан ва миллат йўлида жон фидо қилган аждодлар хотирасини ҳурмат қилиши ҳамда бугунги фаровонлик қандай маънақат ва йўқотишлар эвазига қўлга киритилганини қадрлаши зарур. Зеро, "Бир бўлсак – ягона халқимиз, бирлашсак – Ватанмиз" шioriини қалбимизга синдириб, шу йўлда бирлашсак, аждодларга муносиб авлод эканимизни намоён этаемиз.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

АЗИЗ ХОТИРА



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев – 1896 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1919 йилдан большевиклар партиясига аъзо бўлган. Тошкент шаҳридаги хотин-қизлар педагогика техникумида директор бўлиб ишлаган. 1929 йил 29 сентябрда ҳибсга олинган. Унга "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси айбови қўйилган. Ташкилот томонидан босмачилик ҳаракатига раҳбарлик қилиш учун кўрбоши Раҳмонқули қароргоҳига бориб, шу жойдан туриб Садриддиннинг қисови билан Туркистон компартияси XII съезидида ултыиматум йўллагани иддоо қилинади. РСФСР Жиноят кодексининг 59-моддаси 2-банди билан айбланиб, 1931 йил 25 апрелда ОГПУ коллегиясининг 59-моддаси 4- ва 10-бандлари билан уни 5 йил муддатга концлагерга ҳукм қилган.

Мухитдин Ҳусанов – 1907 йили Қўқон шаҳрида туғилган. 1921 йилда комсомол аъзоси бўлган. Қўқон шаҳридаги округ совет ва партия мактабида ўқиган. Жаҳидларнинг "Ботир гапчилар" ташкилоти фаолиятида қатнашганлиги, унинг топшириғи билан янги шўъбалар ташкил этганлиги ва унга раҳбарлик қилганлиги қайд этилган. 1931 йил 25 апрелда ОГПУ коллегияси РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 4- ва 10-бандлари билан уни 5 йил муддатга концлагерга ҳукм қилган.

Абдулла Мусабеков – Сумсар қишлоғида туғилган. Инқилобгача Қўқонда, Мулла Қосим қозида ходим бўлиб хизмат қилган. Беш йил мадрасада тахсил олгач, маълум вақт ўқитувчи сифатида фаолият ҳам олиб борган. "Халқ газетаси"нинг тахририят аъзоси бўлган. Шунингдек, Косонсой халқ судьяси вазифасида ҳам хизмат қилган. 1929 йил апрелидан Қўқон округи ер тузувчи бўлимида катта ер тузувчи бўлиб ишлаган. "Миллий иттиҳод" ва "Миллий истиқлол" ташкилотларининг аъзоси бўлганлиги архив ҳужжатларида қайд этилган. 1928 йил қувғинга учраб Косонсой районидан чиқариб юборилган. 1929 йили Қўқонда ҳибсга олиниб, 1931 йили ОГПУ СССР коллегиясининг қарори билан отиб ташланган. Абдулла Мусабеков 1989 йил 21 апрелда реабилитация қилинган.

Бормирза Алиев – 1907 йили Мелки қишлоғида туғилган. 1928 йилдан партия аъзоси. Пастдаргом туман партия кўмитасининг 3-котиби бўлган.

1938 йил 9 январда миллатчи, акселинқилобий ташкилотга мансублиги сабабли партиядан чиқарилган. Ички ишлар халқ комиссарлиги ходимлари томонидан ҳибсга олинган. 1938 йил 11 январда тергов қилинган. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 58-, 64- ва 67-моддалари бўйича айбланиб, отувга ҳукм этилган. Ҳукм 1938 йил 15 сентябрда бажарилган. Қаҳрамонимиз 1974 йил 29 ноябрда реабилитация қилинган.

Омон Сулаймонов – 1901 йили Аска шаҳрида туғилган. ВКП(б)нинг собиқ аъзоси бўлган. Босмачиликда иштирок этгани учун партиядан ўчирилган. Етти милиционер билан биргаликда душманга қарши отишмаларда иштирок этган. Қамоққа олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. 1925 йилдан 1930 йилгача акселинқилобий миллатчи "Ҳақиқат" гуруҳи аъзоси бўлганлиги, халқ душманларига ҳамдардлик билдирганлиги, ҳукумат шайнига уйдирма гаплар айтганлигида айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги "учлиги"нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарори билан отувга ҳукм қилинган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори
Нигорахон АҚБАРОВА,
тадқиқотчи
(Давоми келгуси сонда).

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Қатағон машинаси қурбони бўлганлар орасида тошкентлик Аъзамхўжа Бурҳонхўжаев ҳам бор эди. Республика миқёсидаги тарихий арбоблардан бўлган бу инсон 1937 йили Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромовнинг "думи" сифатида ҳибсга олинади ва шу кетгача уйига қайтмайди...

Аъзамхўжа Бурҳонхўжаев қамалганидан сўнг, унинг ҳовлиси тортиб олинади, оила бошланаси қолади. Олти нафар бола билан хор-зор бўлган она "Отчолар" маҳалласида бувиларидан мерос қолган дала ҳовлидан паноҳ толади. Лекин кимларнингдир қутқуси билан у ҳам тортиб олинди, кашшофлар дам олиш уйига айлантирилади. Яна саргардонлик бошланади...

Хўш, Аъзамхўжа Бурҳонхўжаевнинг айби нимада эди? Бу саволга жавоб топиш мақсадида ўқининг архивидидаги ҳужжатлар билан танишдик. Бироқ жазога асос бўладиган бирор бир далил кўзга ташланмади. Ўғли Ваҳдатхўжа Бурҳонхўжаев отаси ниҳоятда меҳмондўст, оилапарвар инсон бўлганини таъкидлаган эди. Шу боис, дала ҳовлида давлат арбоблари, иждоқорлар, санъаткорлар иштирокида тез-тез меҳмондорчилик бўлиб турган. Айниқса, улғу адиб Абдулла Қодирий билан оилавий бордини келди қучли бўлган экан.

Ваҳдатхўжа ака шундай хотирлаган эди: "Ҳабибулло Қодирийнинг ёши каттароқ бўлса ҳам, у киши билан дўстлашганмиз. Чунки биз қата-



ҚОНДА БИТИЛГАН МАКТУБ

ғон даврининг жабрдийдалари бўлганмиз. Бошимиздан кўп кўргиликларни кечирган, азобларни тортган, болагимиз барбод қилинган қалби ўксиклар эдик-да. Буни шунчаки ифода қила олмайдим. Бунинг учун уйсиз кўчада қолиб, сарсон-саргардон бўлиб, бу оғир тақдирни бошдан ўтказиб кўриш керак. Ана шундагина мустақиллик, тинчлик, ҳузур-ҳаловат нима, уй-жой нима, қадрига етати одам. Аналаримизнинг чеккан машаққатлари бир умр кўз олдимда гавдаланаверади. Биз шундай даҳшатлардан ўтиб, ёруғ кунларга етдик. Ҳар доим балки отам тирикдир, деган умид бор эди орақда. Фарзанд учун отадан улғу инсон йўқ. Гуё қайтиб келадигандай туюлаверади".

Аъзамхўжа Тошкентдаги кўпгина идораларда фаолият юритади. 1921 йили шаҳар ҳарбий комиссариатида комиссар ўринбосари бўлиб ишлайди. Ўтган асрнинг 30-йиллари қаттиқ қаҳатчилик эди. Билим олиш, бирор жойда ўқиш анча мушкул бўлган. Шу боис, ўша пайтда мутахассислар танқиси эди. Аъзамхўжа Бурҳонхў-

жаев Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб 1929 йили Москвадаги савдо академиясига ўқишга қиради. 1931 йили уни тугатиб, Тошкентга қайтади. 1932 йили "Туркистон" банкнинг бошқарувчиси, 1933 йили эса "Ўзсовхозтрест" директори лавозимига тайинланади. Уч йилдан сўнг Ўзбекистон ССР Марказий аппаратида масъул лавозимга ўтказилади. 1937 йили Жиззах тумани райхўроқўми раислигига сайланган қаҳрамонимизни ўша йилиёқ Тошкентга чақириб олиб, Молия вазирлигига ишга тайинлашади. Бу иш жойи унинг учун сўнггиси эди.

Ҳибсга олиш пайтида унга ҳатто бosh кийимини кийишга ҳам рухсат беришмаган. Ўша пайтлари бosh кийимсиз юриш уят ҳисобланган. Уйга бориб, хотинига: "Хўжайинингиз учтўрт кунда қайтиб келади. Баъзи бир зарур нарсаларни тайёрлаб беринг", дейишган. Ўзи эса "Хавотир олманглр, мен албатта қайтиб келаман!" деган. Бироқ...

Аъзамхўжа Бурҳонхўжаевни судсиз-сўроқсиз қамашди. Бошқа ёққа

қўчиришаётганда, у собиқ ҳамкасбини кўриб қолади ва имо-ишора қилиб: "Шу ерга бир нарс ташлайман, уйимдагиларга етказ", дейди. Бу нарс уйдан бериб юборилган чойшабдан йиртиб олинган парча экан. Унда эски ўзбек имлосида қон билан битилган шундай сатрлар бор эди: "Менга ҳар хил бўлмағур айбларни қўйишяпти. Аммо улар қўяётган айбларни бўйинига олмайман". Хатни қариндошларга тоғаси Муҳаммад Раҳмонқули берган ва кўрқиб кетиб, шу заҳоти ёқиб юборган.

Қариндош-уруғлари уни излаб, ўша даврда жуда кўп идораларга мурожаат қилишади. Бироқ юқиниб борган жойлардан улар ҳеч қандай тайинли жавоб ололмайдилар. Улар учун барча эшиклар тақа-тақ берк эди. Орадан қанча йиллар, қанча сувлар оқиб ўтганидан сўнг, 1956 йили Республика прокуратурасидан Аъзамхўжа Бурҳонхўжаевга нисбатан қўзғатилган жиноий иш тўхтатилгани ва у оқлангани тўғрисида маълумот олинади.

Шундай юқори лавозимларда ишлаган инсон ном-шонисиз йўқ бўлиб кетиши мумкинми? Унинг қабри қаерда қолди? Саволларга ҳали-ҳануз жавоб топилганича йўқ. Ваҳдатхўжа Бурҳонхўжаев отасига қўйилган айблар асоссиз эканини ич-ичидан ҳис этарди. У Ўзбекистон ССР Олий судига мурожаат қилган, "Отангизга учлик томонидан қўйилган айблар ўз исботини топмаган, у киши тўлиқ оқланди" мазмунидаги маълумотно-



ХАЖВ

НАРХ-НАВО РАҚҚОСАМУ?

Қишданам чиқволдиг-ей! Ўриклар гуллаб, редис билан кўпийезни пуллаб, хийла юзимизга қон югурди. Деҳқоннинг қўлига пул тушмасин-да: ё "уйни кўтараман"га тушади, ё тўй қилгиси кепқолади. Мениям кўлим қичиб, томни очиб юборсамми деб юрган кунларим.

Хотин зоти този итдай сезгирмасми, дарров палакатнинг ҳидини олиб, ташлаб қолди: "Бунча ҳовлиқманг, хўжайин, ҳозирча томингиз жойида, яхшиси бутун пулни пачақламай, Қумтепадан иккита кўзи опкелинг. Пўчоқ еб турсаям кузгача эт битиб, пичоққа тайёр бўлқолади. Балки ўзидан кўпайиб, бир камимизга яраб қолар". Шу десангиз, хотинлар бошда тўғри гап айтаётгандек туюлади-ю, оқибати ағдарилган етим тошбақадай бўлқолади.

Хуллас, бозорга барра бодрингдай кирдим, чиқишда ушқур қарамдай шалвираб чиқдим. Мол-қўй мўлжалимдан анча баланд, йиққан пулимга кўзи тугул, таканинг соқолини ҳам ушламас экан. Камига божам Отабек даллол мени кўриши билан кафти қичиб, чиллашир мушуваччага ухшаган гадик тўқлини отасини нархига менга тиқиштириш пайига тушди. Яна, тарванглаб, гўданлаганига йимонинг қочади!

Байт:
Қариндошу, ишлари
ётникуга ўхшайди,
Ғўдайиб туришлари
отникуга ўхшайди.
(Қаралсин. Саттор Суроб.
"Сайис, майис ва дайис қиссаси".
743-бет.)

Божамнинг човутидан беталафот чиқибману, маънос гузарга тушиб, тикка оқил каззобни олдиға бориб қоплан. Уям харидор йўқ, қонталаш доқасини вертолётни паррагидай айлантириб, пашша кўриб ўтирган экан, ёнига чўккаладим. Гап Трамп билан Зеленскийдан бошланиб, саримсоқ билан тургда тўхтади. Қаззоб-қассоб нарх-наводан ёзғириб турган жойида тилидан ушладим.

– Бодринг-помидорни қўйиб туринг, ака, ҳозир битта кўзи ололмай келяпман. Ўзи гўшт нимага бунча қимматлаб кетяпти?
Қассоб етилган буқани чамалагандай менга бошдан-оёқ хезланиб қаради.
– Мен қаёқдан билай? Биринчидан, эл қатори сотялман. Менда ҳозир бир юз қирқ минг бўлса, атрофдамашу. Иккинчидан, нархни мен ўйлаб чиқариман. Бозорниям кўргандирсан.
– Кўрдим. Арзониям бор. Четдан кел-



гани. Фақат қайси бибисмилло сўйган экан, деб олишга иккиланасан одам. Чорва ўзимизда бўлатуриб, дунёдан қиммат юраимизми?

– Энди-и, аҳолиям кўпайган. Қорамол унчаликмас. Битта сабаби шу.

– Арқонни сал бўшаштирса, айбни кўтарасига буқаларга тўнқаворасиз-а. Тўғри, нарх-наво ўйнаб, Қажани даналайдай бир жойда турмайди. Лекин эви билан-да, акамжоним. Масалан, ўтган йили шу маҳалда қанча эди?

Оқил дандонсопли пичоғи билан томоғини ўйчан қашлаганча узоқ сас бермади. Унгаям осонмас. Ҳар ҳафта энгилеёқ чигирткадек сапчиб турган нархни компьютер кўтармайди-ку! Мен эса аниқ эсламан – 80 минг. Нимагаки, синфдошлар тўёнани 5 килодан гўштга чақамиз. Ўтган баҳор ўғил тўйига 80 мингдан тушганми. Бултур бир кило гўшт 60 минг эди. Демак, икки йилда яқин уч баробар ошган чиқяпти. Шуларни хаёлдан ўтказга туриб, қассобнинг тилла занжирли бўйни кўзимга хунук кўришиб кетди. Миср бўпкет-ей!

– Хўп, йилига уч-тўрт сўм қўшин, майли. Нархнинг житирёқидек сакрашига сабаб нима дейман-да?
Шу пайт тепкиравани гийқиллатиб, Аббос майна ўтиб қолди. Дўқонга яқинлашганда кўчани бошига кўтариб бақирди:
– Ҳа, Акмал чатоқнинг ўғли, ўлган сирнинг елинини пуллаб ўтирибсанми?
– Чўқиб кўрсанг биласан!
Майна ҳам бекорчи эканми, "хо-хо"-лаганча шағалнинг олдидан доира ясаб қайтиб келди. На салом бор, на алик, аравасининг орқа ўриндигига хурпайиб

ўтириб олди-да, масхараомуз тиржайди. Қассобнинг афти нега бужмайди деса, майнанинг қорасини узоқдан кўриб, жавобга тайёрланиб турган экан.

– Неччи марта айтаман, шумхабар, қўпол ҳазил қилмагин деб. Эшитган одам нотўғри тушунади. Биринчидан, сизир эмас. Иккинчидан...

– Мен нима дедим ахир? Жонлиқни сўйганингдан кейин ўлган бўладими-йўқми?

– Э-э-э! – Қўл силтади қассоб, – бўладиган гапни гапир. Ундан кўра манов болага гўшт нархнини ким ошираётганини топиб бермасанми? Ҳар қалай, ўзинг ҳам мол боқасан.

– Шу кунларда эшак боқсамми деб турибман, – майна менга чап кўзини қисиб, ўнг кўзи билан қассобга имо қилиб гап бошлади. – эрталаб кўчага қўйвораман. Қорни тўйса, кечга ўзи кириб келаверади. Хашак бер деймайди, сув деймайди. Бозориям қаққон. Шарип кузгун ҳалоллаб сўйиб, шаҳарга ташияпти экан.

Мениям афтим бужмайди шекилли, майнавозчиликни бас қилиб, жиддий оҳангга ўтди.

– Емиш қиммат, кўриб турибсан, Хусан кўрнинг невараси. Яйлов кам, ҳамма жойнинг эгаси бор. Ҳозир хашак ҳам пул. Чорвадан наф қолмади ҳисоб. Дейлик, боқувда тўртта молим бор. Энг биринчи қиладиган ишим, кузда икки-уч трактор силос босишим керак – араваси уч ярим-тўрт миллион сўмдан. Энди силосга аралаштириб бергани: кунжара – килоси етти минг сўм, тўртта буқага бир қоп кунжара Фахриддин алқашга абетга чекушка бергандек гап. Улгуржи олмасанг, ютқазасан. Бир қоп кепак тўқ-

сон минг, қоқоқиси юз эллик минггача. Янчилган арпани қўятур, бир ўрам сомонингни қирқ минг деб турибди. Чигит қоқига, ана бор, тўқсон минг. Энди чўтга тушсак, буқанинг бир кунни менга тахминан эллик мингга тушяпти. Бу ойига, хўўўш, бир ярим миллион дегани. Ками олти ой боқасан. Энди тўртта буқанинг кунлик харажатини қўшиб, олти ойга кўпайтир. Қанча бўлади?

Ҳаммамиз ҳисоблаган киши бўлиб шилдаги қон доғларига термилиб қолдик. Майнанинг ўзи ҳам чалқашиб кетди, чаманда, кўзини бир гилдирапти олди. Чалқаш рақамлар бошимизни оғритиб, учовимиз баравар янги носвойдан отволдик.

– Молга ҳам сарфласанг, кейин одам бўлади. Шунча...

Қассобга ҳам жон кирди.

– Буям шунча едириб-ичириб, молини зиёнига сотмайди-ку. Ё қассоб кўшнини экан, деб менга ҳам элдан арзон бермайди-ку. Э, гапирсанг гап кўп.

Барибир тушунмайсан дегандек қўл силтаб, бўйинини чўзиб ичкарига муралаб қўйди. Қайнаган шўрваннинг ёқимли ҳидини мен шунда пайқадим. Майна ҳам бир нима эсига тушгандек "Сенлар билан гап сотиб, кўмирга чиққанган эсимда йўқ. Бугун неваралар келадиган. Шунга молнинг пуштирамазидан тўрт кило тоғарага босиб, зирворини сегиб, ивитиб қўйибман. Ҳали сизгаям ўтказиб, кўмирни чўғ қилишим керак" дедию, тепкини бир айлантириб кўздан қойиб бўлди.

Қаззоб-қассоб шира бойлаган ойнага туғлаб, энги билан артаркан, тиришиб "Кеча пешингача иккита буқани талаб кетишди. Бугун янги мол сўйганимни эшитишмапти шекилли, занғарлар" деб гудранди.

Чўнтагимни ағдариб, қассобга юзландим:

– Девзирани-ку бозордан олдим, лекин пул ўзимизда қолсин деб гўштга тўхтамадим. Қани, қассоб бува, бизгаям ширин жойидан тортинг бўлмас. Бугун уфатларга дам. Хотиним не замондан бери "Чойхонадаги ўйнашлариздан ортмасиз, биз билан қачон уйда ўтирасиз?" деб деворга тирайди. Ношукур банд! Булмас, пайшанба-пиртак уйда ё қозонкалар, гўштқуйди, ё, ўлдим деганда, жаззача жаз. Бугун ўз қўлим билан қозонни бир эркачка ювиб, силтама қилиб берай, хотин бир яйрасин.

Қаззоб мўйловини силла баҳонасида кулгисини яшириб "Эҳтиёт бўл, тагини олдириб, қирмоч еб юрма", деб бурчадаги кундага ўғирилди.

Ж.Ғ.БЕЙРОН



ЎЙ



ГАЗЕТА КАСАЛЛИК ТАРҚАТАРМИШ...

Бу воқеага анча бўлган. Таътилда бизникуга келган жияним шўхлик қилиб, кўрадаги қўйларни ҳам безор қилди. Шундан отам уйдан газета олиб чиқиб, кўранинг симтўрига ўқиладиган ҳолда катта қилиб осиб қўйди, сўнг жиянини чақиритишни буюрди.

ги маълумотлар ишончли. Шу боис, тижоратчилар, ташкилот ва муассасалар ўз хизматларини газеталар орқали тарғиб қилишга интилоқда. Ростини айтсак, ижтимоий тармоқларда ёлғон ва беҳаёлик оддий ҳолга айланиб бормоқда. Газета эса ҳар биримиздан мулоҳазани талаб қилади.

Бирок масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бутун бир газета саҳифаларини дори воситалари, касалликлар тарихи, аломатлари ва шифокорлар рекламиси билан тўлдириб ҳам тўғри эмас. Чунки касаллик аломатларини ўқиган инсон ўзини ўша дардга чалингандай ҳис қилиб, руҳий тушқунликка тушиши мумкин. Реклама қилинаётган дориини шифокор маслаҳатисиз қабул қилиб, фойда ўрнига зарар кўраётганлар оз эмас. "Док-1 Макс" фожиаси одамнинг юрагини ҳамон зирқиратади. Шундай ҳолатлардан кейин ҳам айрим тижорий газеталарнинг дори-дармон рекламиси билан тўлиб-тошиши аҳоли орасида руҳий хавотир, қўрқув ва ишончсизликни кучайтириб, аслида маърифат ва маънавият тарқатиши лозим бўлган газетчилик обрўсига путур етказиб қўйган ҳам газета тарқатишчи бўлиб кетган экан, янгам йиртиб ташлабди. Амакимнинг айтишича, бу "касаллик тарқатидиган газета" эмиш, уйни йиритиб, ёқиб юбориш керак экан. Ҳамма шундай қилаётганмиш. Газетанинг ярми чиқинди идишида, қолган ярми шамолда кўчанинг турли томонларига учиб кетган эди. Каттароқ булақларини йиғиб олиб ўқиб кўрдим. Саҳифаларнинг даярли барчаси касалликлар, шифокорлар ва дори-дармон рекламалари билан тўлиб-тошган. Газетанинг нашриёт манзили йўқ. Кўшнилари эса ўз газеталарини аллақачон тандирга тутатқи қилиб юборибди.

Албатта, "газета касаллик тарқатади", деган даъво ақлга сиймайди. Аксинча, газета инсон тафаккурини чарқлайди, дунёқарашини кенгайтиради, ҳам кўз нурини, ҳам ақл нурини оширади. Аслида, муаммо газетада эмас, ўқишга бўлган муносабатимизда. Ижтимоий тармоқлардаги шов-шувли, текширилмаган хабарлардан кўра, газета саҳифаларида-

Ҳар йили ташкилот ва корхоналар республика ва ҳудудий газета-журналларга обуна бўлади. Аммо айрим муассасаларда газеталар тахлам холича жавонларда қолиб кетиши жуда ачинарли. Ахир, газета ўқиш учун чиқарилади-ку. Агар раҳбарлар газеталарни қабулхоналарга қўйса, кирган одам ҳаққоний ахборот, таҳлилий ва танқидий мақолалар орқали фикр юритиш имконига эга бўлади. Мен ўзим "Янги Сирдарё" газетасини қариндошларим, кўшнилари, умуман, қўллаб инсонларга, албатта, берман.

Яна бир қарра тафаккур қилайлик. Газета бизга воқеаларга мустақил фикр билан ёндашишни, таҳлил қилишни, танқидий мулоҳаза юритишни ўргатади. Бир сўз билан айтганда, газета маърифат тарқатади!

Баҳром БОЙМУРОДОВ

Аёлига енгилган шоир

Бир шоирнинг аёли математика ўқитувчиси экан. Шоирлиги тугиб, унга гап қотиб қолибди:
– Икки қарра икки неччи бўлади?
– Нима, шуни ҳам билмайди, деб ўйлайсизми? – дебди хотини.
– Билсанг, айт.
– Икки қарра икки тўрт бўлади, албатта.
– Тўппа-тўғри, – дебди у, – лекин:

Икки қарра икки тўрт бўлади,
Хотинлар мияси мўрт бўлади.

Бу шеърни тўқиганига хурсанд бўлиб, голиб нигоҳ билан хотинига боқибди. Аёли ҳам анойи эмас экан.

– Хўш, шоирим, келинг, ўзингизни ҳам бир синайлик. Икки қарра икки неччи бўлади?
– Мен сенга ўхшаб ўйламай-нетмай жавоб бермайман. Бу масалани ечиш учун аввал масалага аниқлик киритайлик: олаётгандами ёки сотаётгандами?
– Дейлик, олаётганда.
– Олаётганда бўлса, икки қарра икки уч бўлади-да, албатта.
– Тўппа-тўғри, – дебди аёли, – лекин:

Икки қарра икки уч бўлади,
Эркалар мияси пуч бўлади.

– Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади, деганларидек, сен ҳам шоир бўлиб кетясанми, нима бало? – дебди шоир.

– Шоирлиқни қўя турайлик-да,

ҳисоб-китобга қайтайлик. Хўш, сотаётганда икки қарра икки неччи бўлади?
– Сотаётганда, албатта, икки қарра икки беш бўлади-да, – дебди шоир.

– Тўппа-тўғри, – дебди аёли, – лекин:
Икки қарра икки беш бўлади,
Эркалар мияси бўш бўлади.
– Дадам: "Аёлинг билан ўчақимша, барибир, енолмайсан", дегич эдилар, тўғри айтган эканлар.

– Дададон доно киши эдилар, мана, ҳисоб – иккига бир бўлди! Албатта, яна менинг фойдамага!

Султонмурод ОЛИМ



Jadid
adabiy, bilim-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри тахририй фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Гулчеҳра Умарова

Адади – 18 408
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6 785
Лотин ёзувида – 11 623
Медиа кузатувчилар – 82 142
Буюртма: Г – 439
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилмиш:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 23:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАШТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ"
ЖАМОАТ ФОНДИ